

Da'vat

Seni hurmat qilishlarini istasang, o'zingni hurmat qil.

Baltasar GRASIAN

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqib boshlagan

2004-yil 27-oktabr, chorshanba

№ 87 (7696)

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — КОМИЛИК КАДИТИ



Табиатга ошнолик болада меҳр-мурувват туйғусини тарбиялайди. Меҳнат эса, қалбни янада гўзал ҳислар билан безайди. Қалби меҳр ва гўзалликка йўғрилган инсон-

нинг дунёқараши кенг, тафаккури теран бўлади.

Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги 14-мактабгача таълим муассасида болаларга таълим-тарбия беришда ана шу икки

омилдан самарали фойдаланилмоқда.

Суратларда: 1. Болалар богчасининг тажрибали тарбиячиси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Машарой Бобоева. 2. Унинг

шогирди, ёш изланувчан мураббий Барно Бердиева тарбияланувчилар билан навбатдаги машғулоти ўтказмоқда.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

SO'NGGI UCH KUN MUJ DALARI

KO'RGAZMA

O'zbekspomarkazda «TEXTILE EXPO UZBEKISTAN» birinchi xalqaro ko'rgazmasi ochildi. ITE Group PLC (Buyuk Britaniya) va ITE Uzbekistan xalqaro ko'rgazma kompaniyalari «O'zbekyengilsanoat» davlat aksionerlik kompaniyasi ko'magida tashkil etgan ko'rgazmada Avstriya,

Buyuk Britaniya, Germaniya, Gollandiya, Italiya, Eron, Hindiston, Xitoy, Rossiya, Turkiya, Shveysariya, Chexiya, Yaponiya va mamlakatimizdan 70 ga yaqin firma va kompaniya o'z mahsulotlarini namoyish etmoqda. Ko'rgazmaning ochilish marosimida O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari M.Usmonov ishtirok etdi.

(Davomi 2-betda.)

5-бет

НЕФТЬ ОЛИШДА МАМЛАКАТИМИЗ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИ

у ўзига хослиги билан халқаро доираларда катта қизиқиш уйғотмоқда

ТОШКЕНТДА СОАТ 12:00, ЛОНДОНДАЧИ?

6-бет

«ИМИ...», «ЖИМИ...» СКАНВОРДЛАР

12-бет

АЁЛНИНГ УЧ КУНЛИК БАХТИ

14-бет

Ibrat

«Sog'lom avlod uchun» xalqaro xayriya jamg'armasi ko'magida 45 nafar kam ta'minlangan oilalarning bemor farzandlari Yevropa shifoxonalarida davolanib qaytdilar. Yana 18 nafar bola chet elda davolanishni davom ettirmoqda.

«ҚЎЛИМДАН КЕЛАДИ»

бу фикр ўқувчидаги қўрқув туйғусини бартараф этади

7-бет

ТАЛАБАННИНГ БУЮК КАШФИЁТИ НИМА?

8-9-бетлар

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

OITSga
QARSHI
TADBIR

O'zbekiston Qizil Yarimoy Jamiyati va Germaniya texnik hamkorlik jamiyatining maktab, kollej va litseylar o'quvchilari orasida OITSning oldini olishga qaratilgan qo'shma tadbirining navbatdagi bosqichi Buxoro va Samarqandda bo'lib o'tdi. Unda o'quvchilar bilan suhbatlar, viktorinalar tashkil etildi, giyohvandlar ta'siriga tushib qolib, OITS bilan kasallangan yoshlarning fojiasi haqida hikoya qiluvchi «Yerto'la» spektakli namoyish etildi.

S'EZD

Tadbirkorlar va ishbiarmonlar harakati - O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi (O'zLiDeP) ning ikkinchi s'ezdi bo'lib o'tdi. Unda Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlardan saylangan 360 nafar delegat qatnashdi. S'ezdda partiyaning saylovoldi dasturi tasdiqlandi. S'ezdda mazkur partiya tomonidan O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Qonunchilik palatasiga nomzodlar ko'rsatildi.

SAHOVAT

«Mehr va muruvvat yili» dasturi doirasida Namangan viloyatining turli shahar va tumanlaridan qirq nafar nogiron fuqarolar qadimiy Xivaga sayohat qildi. Bu safarni tashkil etish va moliyalash uchun O'zbekiston nogironlar jamiyatining viloyat bo'limi mablag' ajratdi. Sayyohlar Urganch va Xivada bo'ldi, Pahlavon Mahmud maqbarasini ziyorat qildi. Safar yakunida O'zbekiston xalq baxshisi Norbek Abdullaev oilaviy ansambli ular uchun konsert namoyish etdi.

АНДИЖОНДА
«МАТБУОТ КУНЛАРИ»

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бошланган «Матбуот кунлари» Андижон вилоятида давом этди. 25 октябрь куни вилоятга ташриф буюрган Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги газета ва журналлар муҳаррирлари дастлаб туманларда бўлишиб, таълим муассасаларидаги бугунги жараён билан яқиндан танишдилар.

26 октябрь куни вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида нашрлар муҳаррирлари билан вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан келган халқ таълими ходимларининг учрашуви ўтказилди.

Учрашувни институт ректори, фалсафа фанлари номзоди Қ.Убайдуллаев очиб, Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган ижти-

мой-сиёсий, илмий-услубий, педагогик йўналишдаги нашрлар муҳаррирларини тингловчиларга таништирди.

«Учитель Узбекистана» газетаси бош муҳаррири А.Долимов, «Ma'rifat» газетаси бош муҳаррири Х.Саидов, «Мактаб ва ҳаёт» журнали бош муҳаррири ўринбосари А.Мамажонов, «Халқ таълими» журна-

Obuna-2005

ли бош муҳаррири ўринбосари А.Сулаймонов, «Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири М.Қўшмоқбой, «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Р.Толипова ва «Бошланғич таълим» журнали бош муҳаррири З.Шокирова ўз нашрларининг истиқболдаги режалари, матбуот нашрла-

рининг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни ҳамда ахборотнинг муаллим ва мураббийлар учун нечоғли аҳамиятли эканлиги ҳақида гапирдилар ва йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Йиғинда сўз олган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Д.Раҳматуллаев муҳаррирларга миннатдорчилик билдирди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Х.Ақбаров иштирок этди.

Учрашувдан сўнг муҳаррирлар Фарғона вилояти сари йўл олишди.

(Фарғона водийси бўйлаб ўтказилган «Матбуот кунлари» ҳақида газетамизнинг келгуси сониде батафсил маълумот берамиз).

О.СИДДИКОВ

МУЛК ЭГАСИНИ
ТОПДИ

Давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси 12 та паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган давлат корхонаси ва муассасасини бепул хусусийлаштириш учун тендерга қўйди.

Сайхунобод тумани болалар боғчаси биносига даъвогар иккита бўлди. Пухта тузилган бизнес-режа ва мустақам молиявий аҳвол «Қора кўса» фермер хўжалигига голиб бўлиш имконини берди.

«Дўстлик» канали бошқармасининг Гулистон механизациялашган кўчма коллоннаси маъмурий биноси, ишлаб чиқариш бинолари ва мавжуд техникаси, Ховос, Мирзаобод, Боёвут туманлари мактабгача таълим муассасалари бинолари ва бошқа объектлар ҳам янги эгасини топди.

А.АДИЗОВ,
ЎЗА МУХБИРИ


Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан республикамизнинг кўчма шаҳарларидан бири Хивага журналистлар учун саёҳат уюштирилди. Ушбу тадбирда журналистлар Хивада агентлик томонидан амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар билан яқиндан танишишди.

Буюк ипак йўлида жойлашган Хива дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Асрлар силсиласига бардош бериб келаётган бу ердаги тарихий

ТУРИЗМ ВА ХАЛҚАРО ЛОЙИХАЛАР

ёдгорликларга дунё аҳлининг қизиқиши катта. Бугунги кунда бу ерда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан кўпгина лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулардан энг йириги — бу туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга қаратилган.

Журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, Хива—Хазорасп, Эллиққалъа—Нукус—Хива йўналишини тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон—пресс»

Донолардан қолган бир гап бор: «Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш каbidир». Илм сирларини меҳр билан дилга жо айламоққа не етсин. Ахир комилликка эришмоқнинг энг мақбул йўли-ку, бу. Тошқин дарёдек жўшиб, тўлқинланиб юрагини бўшатмоқлик, илм уругини сочиб савоб олмоқ фазилати эса устозга хосдир. Устоз! Сиз бағрингиздаги илиқ тафтни сочиб, мурғак қалбларга меҳр улашгайсиз.

Суратда кўриб турганингиз — Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли мактаб-интернати ўқувчиларига биология фани ўқитувчиси Акмал Бешимов илм сирларини ўргатмоқда.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Б.ХИДИРОВА). «Камоло ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган «LG гранти» ҳамда «Йилнинг энг яхши гоёси» танлови тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «LG Electronics» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида иккинчи марта ташкил этилаётган тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ижодкор, изланувчан, ташаббускор йигит-қизларга иқтидорини намоён этишла-

«LG ГРАНТИ» —
ИЗЛАНУВЧАН
ЁШЛАР УЧУН

рида кўмаклашишдан иборат.

«LG гранти» танлови пойтахтимиздаги институт ва университетларда иқтисодиёт, педагогика, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, транспорт ва муҳандислик, кишлоқ хўжалиги соҳасида таълим олаётган бакалаврлар ўртасида ўтказилади.


Танловда иштирок этиш истагини билдирган ва таълимнинг контракт шаклида ўқиётган, аъло рейтинг аттестациясига эга, жамоатчилик ишлари ва илмий тадқиқотларда фаол қатнашаётган ўн нафар талаба танлаб олинди. Голиблар «LG Electronics» компаниясининг 500 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Бу маблағ талабанинг таълим контракт тўлаш учун у таҳсил олаётган олий ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилади.

«Йилнинг энг яхши гоёси» танлови эса, республика мактаб ўқувчилари ва бакалавр талабалар ўртасида ўтказилади. Унда дастурий таъминот тизимидан самарали фойдаланиш, табиий ресурсларни тежаш, энергия сарфини қисқартириш, технологик жараёнлар самардорлигини ошириш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш сингари номинациялар бўйича голиблар аниқланади.

Ҳар икки йўналиш бўйича ижодий ишлар 2005 йилнинг 1 январидан 1 февралигача қадар Тошкент шаҳри, 700011, Навоий кўчаси, 11-уйда қабул қилинади.

**Сайловга
61 кун қолди**

MUALLIM,



**SAYLOVGA
TAYYORMISIZ?**

сиялари ишини тўғри ташкил этиш, депутатликка номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёни, сайлов кампаниясининг бориши, сайловда тарғиботлари, номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайлов натижаларини аниқлаш, депутатларни рўйхатдан ўтказиш, сайлов натижаларини матбуотда эълон қилиш ва бошқа масалалар алоҳида ўрин олди.

Фикрлар хилма-хиллиги асосида муҳокама қилинган масалалар, уларни ижодий кўриб чиқиш шубҳасиз, келгусида ушбу муаммоларнинг назарий-амалий конструктив ечимини топишга ёрдам беради.

Конференция иштирокчилари жорий сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг боришини таҳлил этиб, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини келгусида янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар қабул қилдилар.

Шерзод АХМАТОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Ўзбекистон Республикасида жорий йилнинг 20 сентябрдан бошланган сайлов кампанияси доирасида халқаро конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари давом этмоқда.

Шундай халқаро конференциялардан бири куни кеча пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, БМТнинг Тараққиёт дастури (UN DP), Фуқаролик жамияти ўрганиш институти, Япониянинг Нагоя университети ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуман иши «Сайловлар — ҳуқуқий демократик давлатнинг узвий элементи», «Сайловлар бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг айрим мамлакатлар қонунчилиги билан мутаносиблиги: имплементация, ўзаро алоқалар ва амалиёт масалалари», «Халқаро сайлов стандартлари ва унинг сайлов ҳуқуқини ривожлантиришдаги роли» каби мавзуларга бўлинган ҳолда олиб борилди.

Конференция ишида Олий Мажлис депутатлари, вазирлар ва муассасалар раҳбарлари, сиёсий партиялар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, жамоа бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ҳокимияти органлари вакиллари, шунингдек, Буюк Британия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Словакия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия давлатларидан келган мутахассислар ва мамлакатимиздаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, сайлов

қонунчилиги бўйича экспертлар ҳамда маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда халқаро ташкилотларнинг экспертлари ва Ўзбекистондаги хорижий фондлар вакиллари, хусусан, ЕХХТ(ОБСЕ), «Фридом хаус» ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда давлат вакиллик органларининг шаклланиши ва тараққиёти борасида анча тажриба тўпланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга ижтимо-

тенг шароит яратиш, сайлов ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон учун катта амалий аҳамиятга эга эканлиги айтилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва демократлаштириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда профессионал парламентга ўтишимиз келгусида парламент институтлари ва анъаналарини ривожлантиришда, қонун қабул қилиш тартибини ўзгартиришда, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ошкораликни кучайтиришда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга дахлдор

мажоритар ва пропорционал тизим элементларини акс эттирган бизнинг сайлов тизимимиз ўзига хослиги билан катта қизиқиш уйғотаётганлиги таъкидланди.

Давра суҳбати ишида Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида халқаро стандартларнинг имплементация қилиш масалаларига, ривожланган давлатларнинг икки палатали парламентининг иш тажрибаларидан фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчилар баҳс ва мунозаралар жараёнида эркин ва адолатли сайловлар ўтка-

ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИ

У ўзига хослиги билан халқаро доираларда катта қизиқиш уйғотмоқда

ий-сиёсий ҳаётни либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни, давлат қурилиши доирасида мамлакат сайлов қонунчилигини мунтазам такомиллаштириб, уни халқаро сайлов стандартларига мувофиқлаштириб боришни талаб қилади.

Айнан шунинг учун ҳам демократик ислохотлар шароитида хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида сайлов тизимини такомиллаштириш, мамлакат олий қонунчилик органининг икки палатали тизимга ўтказилиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда, бу жараённи одилона ва ҳаққоний ўтказишни таъминлашда, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг барчасига

қабул қилинажак қонунларнинг сифатини оширишда мамлакат сиёсий партияларининг кенг иштирокини йўлга қўйишга қаратилган.

Давра суҳбагида Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигидаги қуйидаги ўзгаришлар халқаро демократик тамойилларга жавоб бериши алоҳида ижобий қадам сифатида таъкидланди: ижроия ҳокимият органларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш бекор этилганлиги, сайлов кампаниясида сиёсий партиялар давлат томонидан молиялаштирилиши, сиёсий партиялардан депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун ўринлар квотасининг белгиланганлиги, ташаббускор гуруҳлар қатнашиши ва бошқалар. Шунингдек, ўзида

сайлов ҳуқуқини таъминлаш овоз бериш жараёни, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ва давлат бошқаруви органларининг сайлов кампаниясидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ва демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар билан ўзаро мувофиқлиги, сайлов кампаниясининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати музокараларида сайлов округларини ва сайлов участкалари тузиш ва фаолиятини, сайлов комис-

ларда иштирок этаман. Менинг ҳам сиёсий ҳаётда ўз овозим бор экан, нега энди бу ҳуқуқимдан фойдаланмаслигим керак?»

Мамлакатимизда бўлажак сайловлар, парламент ислохотлари ҳақида тўлиқ ва пухта маълумотга эга ва бу борада ўзининг тўлақонли, мустақил фикрига эга бўлган талаба-ёшлар оз эмас, аммо шу билан бирга мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётига бефарқ қаровчи ёшлар ҳам орамизда йўқ деб бўлмайди.

Бунга кўплаб талабалар билан қилган суҳбатимиз туфайли амин бўлдик.

Яна шуни айтиб ўтмоқчимизки, ота-онаси давлат сиёсий ҳаётига бефарқ бўлган фарзанд қандай қилиб лоқайдлик дардидан бенасиб бўлсин. Зиёда исмли талабанинг айтишича, уларнинг 8 кишидан иборат бўлган оиласидан фақатгина бир одам, яъни оила бошлиғи сайловда қатнашиб, қолган оила аъзолари номидан ҳам овоз берар экан. Бу ҳолни қандай тушуниш мумкин?

Мен бундан 5 йил муқаддам сайлов арафасида ота-онамнинг баҳслашиб қолганини эслайман. Бу баҳснинг мавзуси ота-онам танлаган номзодлар эди. Шуниси қизиқки, ўша сайловда ота-онам бошқабошқа номзодларга овоз беришганди.

Ҳар бир фуқаро битта оила ёхуд маълум бир жамоа аъзоси бўлишдан қатъий назар, ўзи маъқул кўрган номзодгагина овоз бериш ҳуқуқига эга. Шу боис сайловларда бировнинг фикрига тазйиқ ўтказишга ёки бошқа бировнинг номидан овоз беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ёшлар — юрт келажаги. Аммо ўзи яшаб турган жамият тақдирига бефарқ бўлган инсон қандай қилиб Ватан келажагини қурмоғи мумкин. «Ватаним тақдири — менинг тақдирим!» деган ғоя билан яшовчиларгина юрт келажагини бунёд эта олади.

Зеро, сайлов ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Унга нисбатан лоқайдлик билан қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
ЎЗМУ талабаси

Munosabat

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бошланиш арафасида. Демак, халқ ўзининг орзу-ҳаваси, хошиш-истаги, умуман олганда, ҳаётий муаммоларидан келиб чиққан ҳолда ўз номзодларига овоз беради. Юртимизнинг келажаги ҳар томонлама пухта, мукамал қонунларга боғлиқ.

ТАЛАБАЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРМИ?

Ҳўш, сайловчиларнинг катта қисми ҳисобланган талаба-ёшлар бўлғуси сайловга тайёрми?

Талабаларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик. Бизга ўзини Жумагул Холмирзаева деб таништираётган (Олий адабиёт курси талабаси) қиз бу саволга шундай жавоб берди: «Бу йилги сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилади деб ўйлайман. Парламентдаги ислохотлардан ҳаммининг хабари бўлса керак. Мен, албатта бўлғуси сайлов-

Saylov savodxonligi

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

— Кимлар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди?

— Содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

«АСКАРИ ҚУВВАТЛИ МАМЛАКАТ БОЙ БЎЛУР...»

Таълим муассасаларида «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фанининг замонавий таълим даражасида ўқитилиши ҳамда ушбу жараёнга малакали мутахассисларни жалб қилиш, уларнинг касб маҳоратларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек sanoat касб-хунар коллежида мазкур фан ўқитувчиларининг ўқув-услубий семинари ўтказилди. Семинарда Тошкент шаҳар ЎМКХТ бошқармасига қарашли ўқув муассасаларининг 70 нафардан ортиқ ҳарбий таълим ўқитувчилари қатнашишди. «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич

Harbiy ta'lim

тайёргарлик» фани ўқитилишини тақомиллаштириш» деб номланган ушбу семинарда бир нечта ўқув қўлланма ҳамда дастурлари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига биноан яратилган янги — «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани қўлланмаси ва ўқув дастури, унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан шу соҳа муаллимлари танишиб чиқиб, ўзларининг фикр ва таклифларини айтиб ўтишди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда ушбу фанга оид ўқув ва дастурий қўлланмалар кам. Ва бу масалада мутасадди ташкилотлар томонидан янги таҳрирдаги «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани бўйича ўқув қўлланмаси, шунингдек, дарсдан ташқари тадбирларни олиб боришда амалий ёрдам беришга йўналтирилган услубий қўлланма ҳам яратилган бўлиб, у тегишли вазирлик ва ЎМКХТ Марказининг илмий-методик кенгашига топширилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Албатта, бу қилинаётган ишларнинг ортида улкан мақсад, ёшларни она-Ватанга содиқ, довурак, жасур шахс қилиб тарбиялаш масъулияти ётибди. Зеро, Амир Темур бобомиз айтганидек, «Аскар қувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари қувватли бўлур».

Д. СОДИҚОВ

Бўз туманидаги 26-иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернат муаллимлари эришаётган муваффақиятлар, ўқувчиларнинг олий ўқув юртига кириш натижалари таълим маскани нуфузини тобора ошироқда.

Ўтган ўқув йилида мактаб-интернатнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларидан бир гуру-

ҳининг таълим таъбири билан бу масканда «Ниҳол» болалар давлати ташкил қилинди. «Ниҳол» асосан ўқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган бўлса-да, унинг шаклланиши ва ўз ҳудуди — мактаб-интернатларда мустақил фаолият бошлашида ушбу маскан директори Галина Цой ва қатор жонқуяр устозларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Болалар давлати Конституциясига мувофиқ, мактаб-интернатда мунтазам 4 ой ўқиган ўқувчилар фуқароликка қабул қилинадилар

ва уларга фуқаролик белгиси — бейджелар топширилади. Фуқаролар—ўқувчилар дарсларни пухта ўзлаштирмасалар, давлат ҳудудида ноҳўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйсалар, ўз бурчларини бажармасалар, фуқаролик сафидан чиқариладилар.

Ўтган бир йил давомида «Ниҳол» шарофати билан ўқувчилар орасида сабабсиз дарс қолдириш, кечикиш, дарсларга дарсликсиз, зарур ўқув қуролларисиз келишга чек қўйилди. Ўзаро назорат, тартиб-интизом кучайди.

— «Ниҳол» тадбири ўқувчиларнинг ҳуқуқ соҳасидаги қизиқиши

ларини, интилишларини ифодаловчи жараён сифатида ташкил қилинган бўлса-да, унинг тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда, — дейди мактаб-интернат директори Г.Цой. — Эндиликда ҳар бир ўқувчини ало-

Sinab ko'ring

ҳида назорат қилишга зарурат қолмади. Давлатнинг ички тартиб-қоидаси биринчи гада ўқувчиларнинг билим олишга, ўз бурчларини тўлиқ англашларига бўлган иштиёқни кучайтирган бўлса, шу билан бирга ҳуқуқ ва иқтисод фанлари борасидаги ҳамда давлат бошқаруви хусусидаги дунёқарашларини шакллантиришга кўмаклашмоқда.

— Мен дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида бўлганман ва ўша давлатлар таълим тизими билан яқиндан танишганман, — дейди мактаб-интернат корейс тили ўқитувчиси, Жанубий Қореядан келган И Се Хва. — Биласизми, бўзлик ўқувчиларнинг парламент йиғилишларидаги тортишувлари, баҳслари, дарсларни ўзлаштиришдаги тиришқоқликлари, интилишларини кўриб ҳавас қиламан. Улар ҳеч қайси ривожланган мамлакатлар ёшларидан кам эмас. «Ниҳол» давлати — бу ўрганса арзийдиган тажриба.

Ҳа, хорижлик муаллима эътироф этганидек, бу ўрганса, қўлласа арзийдиган тажриба. Тилагимиз, «Ниҳол» униб-ўсиб, улкан ибрат дарахтига айлансин.

О.СИДДИҚОВ



Ватанни муқаддас билган кишидан ёмонлик чиқмайди. Не қили, у ҳар қандай ишга қўл урса, энг аввало, ватани, эл-юрти манфаатини ўйлайди. Бу эса, жамиятни тараққиётга бошлайди.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги 10-ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчиси Гулнора Жумаева (суратда) ўқувчиларга «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанидан сабоқ бераркан, дарсларини жонли, эркин тарзда ўтишга ҳаракат қилади. 2001 йилда «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб келган эгзан ўқувчилари муваффақиятида унинг хизматлари катта.

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

«БИЛИМЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЙДИ»

Миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида пойтахтимиздаги барча коллеж ва академик лицей раҳбарлари учун Осий тараққиёт банки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, халқаро нодавлат «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ва ЎМКХТ бошқармаси томонидан «Бойитилган озиқ-овқат маҳсулотла-

рида темир танқислиги ҳамда йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш» мавзусида семинар-тренинг ташкил қилинди. Тренерлар Дилора Шарипова ва Аида Исақжонова «Титаник» тести, «Ақлий ҳужум», «Гуруҳ сардорларининг ҳимояси» каби интерфаол усуллардан фойдаланиб, қизиқарли машғулот ўтказишди.

— Менделеев даврий жадвалининг 53-рақамида жойлашган йод ҳақидаги билимларимиз янада кенгайди, — дейди семинар-тренинг қатнашчиси Баходир Ҳабиб. — Йод танқислиги сифатсиз ош тузини истеъмол қилиш, моддалар алмашувининг ёмонлашуви, керакли дармондориларнинг организмда етишмаслиги, темир танқислиги ту-

файли юзага келади. Инсон танасига эса йод озиқ-овқат маҳсулотлари билан тушади. Семинар машғулотидан йод танқислигини бартараф этишнинг ўзимизга маълум бўлмаган усулларини билиб олдик.

Семинар-тренинг якунида иштирокчиларга рисола ва китоблар тухфа этилди.

Маҳмуда ЗОИРХОН
қизи

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 242-мактабда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллигига бағишланган «Тил — маънавият кўзгуси» номли кеча бўлиб ўтди.

Кечада она тилимизни тараннум этувчи кўшиқ ва шеърлар янгради.

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Мактаб ёш қаламкашларининг тил мавзусидаги ёзган шеърлари таҳсинга лойиқ. Ўқитувчилар А.Ҳамидова ва Н.Раҳимоваларнинг очик дарслари йиғилганларни яна ҳам хурсанд қилди.

М.ЭРКАБОВА

Fan, texnika va sanoat jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan, ekologik holat o'zgarayotgan hozirgi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida kimyo fanini mazmunan boyitib, yangi pedagogik texnologiya asosida o'rganish zarurat va zamon talabidir. Xalq ta'limi a'lochisi, oliy toifali o'qituvchi Saida Nizomova mana 31 yildirki, poytaxtimizning Sobir Rahimov tumanidagi 28-maktabda o'quvchilarga kimyo fanini o'rgatib kelmoqda. Izlanuvchan o'qituvchining "Kimyo darslarida bahs-munozara", "Yangi pedagogik texnologiya asosida dars o'tish", "O'quvchilarning fikrlash qobiliyatini oshirish" kabi o'ndan ortiq maqolalari matbuotda yoritilgan. Ish tajribasi tuman va shahar miqyosida ommalashtirilgan. O'quvchilaridan M.G'anieva, N.Valixonova kimyo fanidan o'tkazilgan respublika sirtqi olimpiadasining g'olibi bo'lgan. Quyida uning 9-"B" sinfida o'tkazilgan "Neft va uning mahsulotlari" mavzusidagi o'ziga xos "Matbuot-konferensiya darsi" bayonini keltirmoqdamiz.

Darsning mavzusi: Neft va uning mahsulotlari.

Darsning maqsadi:

a) neft va undan olinadigan mahsulotlar haqida ma'lumot berish;

b) kimyo fanining boshqa fanlar bilan bog'liqligini ko'rsatish;

v) o'quvchilarni mustaqillikka, ijodiy izlanishga, erkin fikrlashga o'rgatib borish;

g) turli fan va kasblarga muhabbat uyg'otish.

O'qituvchi bir hafta avval o'quvchilarni dars mavzusi bilan tanishtirib, ularni turli fan o'qituvchilari qilib belgilagan ekan. Darsda barcha jihozlar — kimyoviy probilkalar, neft va undan olinadigan mahsulotlar kolleksiyasi, sxemalar, spirt, bosma qog'oz, suv, shisha tayoqchalar, O'zbekiston Respublikasining tabiiy geografik kartasi tayyorlab qo'yilgan.

Kimyo xonasidagi katta namoyish stoli atrofida fan arboblari — "mehmonlar" (o'quvchilar) o'tirishdi. Har bir o'quvchining ro'parasiga uning ismi-sharifi hamda qaysi kasb egasi ekanligini bildiruvchi, ya'ni fizik, biolog, matematik, tarixchi, geograf, geolog, shifokor, boshqaruvchi, kimyogar so'zlari yozib qo'yilgan.

O'qituvchi o'quvchilar bilan salomlashib, davomatni aniqladi va sana hamda mavzuni yozuv taxtasiga yozib qo'ydi.

— Aziz o'quvchilar! Bugungi "Matbuot-konferensiya darsi"mizga turli fan muallimlarini — "mehmonlar"ni taklif etganmiz. Siz ularga o'zingizni qiziqirgan savollar bilan murojaat qilishingiz mumkin. Bugun sizlarni emas, "mehmonlar"ni baholayman. Sababi, "mehmonlar" quruq kelishmagan, neft va uning mahsulotlari haqidagi turli fikrlarni darslik hamda qo'shimcha adabiyotlardan izlab topib, sizning tafakkuringizni yangi bilimlar bilan boyitish niyatidalar. Darsimizni boshqaruvchi olib boradi. Marhamat.

Boshqaruvchi: — Biz o'tgan mashg'ulotda tabiiy va yo'ldosh gazlar haqida suhbatlashib, ularning tarkibi, qaerlarda uchrashi va nima maqsadda ishlatilishi bilan tanishib chiqqan edik. Bugun yoqilg'ining yana bir turi — neft haqida ma'lumotga ega bo'lasiz. Marhamat, bugungi mavzu bo'yicha savollaringizni mutaxassislarga berishingiz mumkin.

Shundan so'ng o'quvchilar savollarini bera boshladilar.

1-savol. Neft qanday kimyoviy birikmalardan hosil bo'ladi. Umuman, insoniyat neft, uning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida qaysi davrdan boshlab bilgan?

O'quvchining bu savoliga tarixchi javob berdi.

Tarixchi: — Neftning paydo bo'lishi haqidagi fikr hozircha uzil-kesil hal qilinmagan. Bu borada ikki xil — organik va

suyuqlik. Neft asosan uglevodorodlar aralashmasidan iborat. Uni bitta formula bilan ifodalab bo'lmaydi. U muayyan temperaturada qizdirilsa, bir qancha tarkibiy qismlarga ajraladi. Uning tarkibi asosan parafinlar, tsikloparafinlar va aromatik uglevodorodlardan iborat. Bundan tashqari, uning tarkibida kislorod, azot, oltin gururt ham uchraydi.

Kimyogar(o'qituvchi): — Mumkinmi, siz aytgan neftning ayrim fizik xossalarini o'quvchilarga ko'rsatib bersam.

(O'qituvchi quyidagi tajribalarni ko'rsatib berdi.)

1-tajriba. Bir necha tomchi neft tunuka ustiga tomizib yoqildi, u yonib ketdi. Bu tajribadan ma'lum bo'ldiki, neft tez yonuvchan xususiyatga ega.

2-tajriba. Neftning bir necha tomchisi suvli stakanga solib

uchun u yer qaridan otilib chiqadi va quvurlarga yuboriladi. Qadim zamonlarda neft qumtosh, ohaktoshlarni qizdirish orqali olingan. Yoki suv havzalaridan ochiq usulda yig'ib olinardi. Ammo bu usulning tabiat, insoniyatga zarari ko'p. (U sxemadan neftning joylashish o'rnini ko'rsatdi.) Shu bois hozirda neft quvurlar orqali omborlarga, u yerdan esa mamlakatimizning turli hududlariga yuboriladi.

4-savol. Aytg'ing-chi, O'zbekiston Respublikasining qaysi joylarida neft konlari ko'p?

Geograf: — Siz 5—6-sinflarda jug'rofiya fanini o'qiyotganingizda turli foydali qazilmalar bilan tanishgansiz. Agar e'tibor bergan bo'lsangiz, bu foydali qazilmalar tabiiy kartada turli shakllar bilan ifodalangan. Neft konlari qora uchburchak shaklida berilgan.

NEFT OLISHDA MAMLAKATIMIZ NECHANCHI O'RINDA?



anorganik fikr bor. Anorganik fikrning asoschisi frantsuz kimyogari Bertlodir. Uning fikricha, Yer qarida neft karbonat kislotaning ishqoriy metallarga ta'siri natijasida hosil bo'ladi.

1877 yili D.I.Mendelev shunday fikrni ilgari surgan: neft yerning turli qismlaridan oqib tushadigan suv va metalning uglerodli birikmasi bilan birikishidan hosil bo'ladi. XIX asrning oxirida olimlarning olib borgan tadqiqotlari organik jihatdan o'rganilib, yangi fikr yuzaga kelgan. Unga ko'ra, moddalar ko'l va dengiz ostida chirib, loyqa hosil qiladi. Ana shu loyqa neft hisoblanadi. Neft qadim zamonlarda Midiya, Bobil, Suriyada suv havzalaridan ochiq usulda yig'ib olingan. XV asrda Italiyada, 1968 yildan boshlab Qo'qonda, XVII asrdan boshlab Bokuda neft qazib olinib foydalanilgan.

2-savol. Neft qanday modda?

Fizik: — Neft odatda qora rangli, moysimon, sirpanuvchi, o'ziga xos hidli, suvdan yengil, erituvchilarda yaxshi eriydigan

ko'rildi. Natijada neft suv betiga yoyilib ketdi. Bundan ma'lum bo'ladi, neft suvdan yengil.

3-tajriba. Qog'oz betiga neftdan bir necha tomchi tomizildi. U avval sekin yoyilib, qog'ozga shimildi. Demak, neft shimiluvchan xususiyatga ega.

Boshqaruvchi: — Siz hozir neftning yer qatlamida qanday hosil bo'lishini, uning fizik, kimyoviy xossalarini bilib oldingiz va tajribada ko'rdingiz. Yana savollar bormi?

3-savol. Neft — suyuq holatdagi modda deyilyapti, u yerning qaysi qismiga joylashadi va qanday usulda olinadi?

Geolog: — Bu savol menga tegishli bo'lsa kerak. Siz jug'rofiya fanini o'qiganingizda yerning ichki strukturasi tuzilishini ko'rgansiz. U bir qancha qatlamlardan iborat. Neft yer ostida juda chuqur joylashgan. Uni qazib chiqarish uchun bir necha kilometr chuqurlikda parmalab quduq qaziladi.

Neft yer qarida atrofida gazlar bilan birgalikda juda katta bosim ostida bo'ladi. Shuning

(Xaritadan neft konlarini ko'rsatdi.) Neft konlari Andijon, Namangan, Farg'ona, Surxondaryo, Buxoro, Gazli, Muborakda bor.

5-savol. Neft murakkab modda ekan. Uni qanday tarkibiy qismlarga ajratib, mahsulot olinadi?

Kimyogar: — Neft murakkab birikma bo'lganligi sababli uni haydab, tarkibiy qismlarga ajratish lozim. Buning uchun neft quvurli pechda qizdiriladi. Molekulyar og'irligi va temperaturaga qarab, neft mahsulotlari ratifikatsion kolonnalarning tarelkalariga joylashadi. Masalan, neftni qayta ishlash yo'li bilan tarkibiy qismlarga ajratish mumkin.

100—200° da benzin, 120—240° da ligroin, 150—310° da kerosin, undan katta temperaturada qizdirilganda esa gazoyil hosil bo'ladi. Neftning oxirgi mahsuloti mazut hisoblanadi. (Bular sxemadan ko'rsatilib, tushuntiriladi.)

Fizik: — Mumkinmi, fikringizni

Bir soatlik dars

men davom ettirsam. (U yozuv taxtasidagi neft mahsulotlari nomi yozib qo'yilgan ko'rgazmani o'quvchilarga ko'rsatib, mahsulotlarning nomini o'qib berdi.) Demak, neftdan 28 xil mahsulot olinar ekan. Faqatgina mazutning o'zidan qayta ishlash yo'li bilan 23 xil modda olish mumkin:

Ligroin — traktor dvigatellariga yoqilg'i.

Benzin — samolyot va avtomobillarga yoqilg'i.

Kerosin — reaktiv samolyotlarga yoqilg'i.

Gazoil — dizel dvigatellarga yoqilg'i va boshqalar.

6-savol. Neft qazib chiqarish bo'yicha bizning mamlakatimiz qanday o'rinda turadi va qancha miqdorda neft qazib chiqariladi?

Matematik: — Neft qazib chiqarish bo'yicha O'zbekiston yetakchi o'rinni egallaydi va juda ko'p miqdorda neft qazib chiqaradi. Mana bu sonlarga e'tibor bering. 1963 yil 206 mln tonna, 1986—2000 yillarda 650—700 mln. tonna neft qazib chiqarildi. Shu sonlarning o'zi ham ko'p narsani bildiradi, ya'ni neft ishlab chiqarish 4 baravarga oshdi.

7-savol. Neft mahsulotlaridan to'liq foydalaniladimi? Undan chiqadigan gaz moddalari atmosferani ifloslaydimi?

Biolog: — Qadimda tarkibiy qismlarga ajralmagan neft mahsulotlari atmosferaga chiqarib yuborilar edi. Natijada neft atmosferadagi jonzotlarni zaharlar va ularni yemirar edi. Hozir bunga barham berilyapti. Buni siz gazetalar, jurnallar, filmlar orqali o'qiyapsiz va ko'rayapsiz. Ekologiyaga bo'lgan e'tibor kundan-kunga ortib borayapti. Chunki ekologiyaning toza bo'lishi hayotning davomiylikini ta'minlaydi.

Shifokor: — To'g'ri aytasiz. Hozirgi davrda neft mahsulotlari tirik organizmning hayotini saqlashga katta hissa qo'shyapti. Neft mahsulotlari qayta ishlanib, undan dori-darmonlar tayyorlanib, parafin, mo'miyo, vazelin kabi moddalar olinayapti.

8-savol. Nima uchun neft mahsuloti bo'lgan benzinni har xil raqamlar bilan ifodalashadi? U nimani bildiradi?

Kimyogar: — Ajratib olingan benzin turli sifatlarga ega. U ana shu sifat ko'rsatkichlari bilan ifodalanadi.

Boshqaruvchi: — Yana kimda qanday savollar bor? Savollaringiz bo'lmasa, "mehmonlar"ga sizning nomingizdan minnatdorchiilik bildiram.

Dars yakunida o'qituvchi "mehmonlar"(o'quvchilar)ga baho qo'ydi va mavzuni mustahkamlab, yakunlash maqsadida neftning tabiatdagi ahamiyatiga oid filmni qo'yib berdi.

Matbuot-konferensiya darsi shu tarzda qiziqarli o'tdi. Albatta, bunday darsga o'quvchilar puxta tayyorlanishi kerak. Izlanish, o'quvchiga ishonch, kimyoni boshqa fanlarga uzviy bog'lay bilish fanga muhabbatni oshiradi.

Darsni "Ma'rifat" muxbiri Mahmuda VALIYEVA kuzatdi va oqqa ko'chirdi.

«ТОШКЕНТДА СОАТ 12:00, ЛОНДОНДА-ЧИ?»

Хозирги замон ўқувчиларини географик билимлар билан қуроллантиришда географиядан амалий ишлар ўтказишнинг ўзига хос ўрни бор. Маълумки, 7-синф «Ўрта Осиё табиий географияси» да вақт ўлчови мавзусига 1 соат берилган. Давлат таълим стандартлари талаби бўйича ҳар бир ўқувчидан вақт ўлчови сутка, кун, юлдуз, ой суткалари, маҳаллий вақт, минтақа вақти, дунёда минтақа вақтларининг бўлиниши, тақвим, Григорий, ҳижрий тақвимларини ўрганиши талаб этилади. Ушбу мавзу ўқувчилар учун қизиқарли, лекин уни янада қизиқарли қилиш учун амалий ишларни бажаришга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда дарсда сушт қатнашадиган ўқувчи ҳам ҳаракат қилади, чунки дарслик харитасини ўз кўзи билан кўриб боради ва унда баҳо олишга иштиёқ уйғонади.

Масалан, дарсда мавзу тушунтирилгандан кейин ўқувчиларга қуйидаги амалий ишлар берилади:

1. Дарслардаги соат минтақалари харитасидан: Тошкент вақти билан соат 12:00да Лондонда, Москвада, Пекинда соат неча бўлишини аниқланг.

Жавоблари: Лондонда эрталабки 7:00, Москвада 10:00 ва Пекинда 16:00.

2. Лондонда эрталабки соат 8:00. Бу вақтда Фарғонада, Токиода, Анандирда соат неча бўлади?

Жавоблари: Фарғонада 13:00, Токиода 18:00, Анандирда 20:00.

3. Мурманскда соат тунги 2:00 бўлса, Москвада, Тошкентда, Улан-Баторда, Парижда соат неча бўлишини аниқланг.

Жавоблари: Москвада тунги 2:00, Тошкентда эрталабки 4:00, Улан-Баторда 9:00, Парижда ярим кечаси, 24:00 бўлади.

4. Харитадан сана ўзгарадиган чиқинчи топинг?

Жавоби: Янги сутканинг бошланиши 12 соат минтақасининг ўртасидаги 180° меридиан чизигидан ўзгаради, деб қабул қилинган.

Шунга ўхшаш топшириқларни яна давом эттириш мумкин. Яъни, айтингчи, дунё мамлакатларининг бирида соат 12 бўлган ҳолда нега бошқа бир жойда соат миллари бошқа рақамда туради?

Тақвимларни билиш ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Кунда тақвими 365, 24 сутка, ой тақвими 354 кунга тенг. Дунёдаги жуда кўп давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Григорий тақвимидан фойдаланилади. Ислон динига эътиқод қиладиган мамлакатларнинг

аксариёти эса, ҳижрий тақвимдан фойдаланишади.

Ўқувчиларнинг амалий иш дафтарларига — Григорий, Ҳижрий — Шамсий ва Ҳижрий-Қамарий тақвим ойларини 3 та устун шаклида ёзиш топшириқ қилиб берилади.

Ҳижрий-Шамсий тақвимида янги кун 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси бошланади.

Григорий тақвими бўйича 2003 йил Ҳижрий-Шамсий тақвимида кўра — 1382 йил, Ҳижрий-Қамарий тақвимида кўра — 1424 йилга тўғри келади. Ҳижрий-Қамарий тақвим ойлари йилига 11-12 кун олдин келаверади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол, билимдон бўлиб етишишларида географик амалий ишлардан дарсда, тўғарак машғулотларида, синфдан ва мактабдан ташқари вақтларда фойдаланиш фақат фойдали бўлади. Бу ўқувчиларни мустақил ижод қилишга ундайди. Ўқитувчига эса, янада қулай бўлади, чунки ўқувчи шу дарснинг қачон бошланишини кутиб туради.

Иброҳимжон АБДУЛЛАЕВ,
Данғара тумани ХТБ услубчиси,
35-мактаб география фани
ўқитувчиси

Т/Р	Григорий тақвимидаги ойлар	Кунлари
1.	Январь	31
2.	Февраль	28 (29)
3.	Март	31
4.	Апрель	30
5.	Май	31
6.	Июнь	30
7.	Июль	31
8.	Август	31
9.	Сентябрь	30
10.	Октябрь	31
11.	Ноябрь	30
12.	Декабрь	31

Т/Р	Ҳижрий-Шамсий ойлари	Кунлари
1.	Далв	31
2.	Хут	31
3.	Ҳамал	30
4.	Савр	31
5.	Жавзо	31
6.	Саратон	31
7.	Асад	31
8.	Сунбула	30
9.	Мезон	29
10.	Ақраб	29
11.	Қавс	30
12.	Жадй	31

Т/Р	Ҳижрий-Қамарий ойлари	Кунлари
1.	Мухаррам	29
2.	Сафар	30
3.	Раби-ал-аввал	29
4.	Раби-ал-охир	30
5.	Жумадил-ал-аввал	29
6.	Жумадил-ал-охир	30
7.	Ражаб	29
8.	Шаббон	29
9.	Рамазон	30
10.	Шаввол	30
11.	Зулқайда	29
12.	Зулҳижжа	30

Таълим жараёнида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билимга қизиқишини ошириш, уларни ташаббускорликка ундашга туртки бўлади. Ноанъанавий усулда таълим берилганда, зеркиш ва эскирган услублардан чекланиш сезилади, бу эса дарснинг қизиқарли, завқли бўлишига олиб келади. Дарс ўтиш жараёнида ўқитувчи муаммоли вазият яратиши, уларни ҳал қилиш йўллари ўқувчиларга топшириши, чиқарилган ҳулосанинг қанчалик тўғрелигини амалда текшириб кўриши эса, биргалликда амалга ошириши мумкин.

Муаммоли вазият ҳосил қилиш ўқувчиларни яқка ҳолдаги ақлий фаолиятга, мустақил фикрлашга ундаш демакдир. Бунда ўқувчида қизиқиш уйғотадиган бирор аниқ вазифа берила-

ЎҚИШ ВА
ЎҚИШГА УНДАЙДИ

ди. Ўқувчи бу муаммони ҳал қилишга уринади, аммо ўз билим ва тажрибаси уни ҳал қилишга етмаслигини тушунади, қийинчиликка йўлиқади. Натижада бу муаммони ҳал қилиш, етишмаётган билимини тўлдириш учун кўп меҳнат қилади, яъни ўқийди, фикрлайди, хулоса чиқаради.

Ўқувчиларга ўзларига маълум бўлган мавзулар ичидан тўғриси танлаб олишни тақлиф этиш йўли билан ҳам муаммоли вазият яратиш мумкин. Мисол тариқасида ўқувчиларга «Температурани ўлчайдиган термометрлар» мавзусини ўтаётганда термо-

метрлар ишлаш жараёни жиҳатдан гуруҳларга бўлинишини, уларнинг ҳар бирининг ишлаш принциплари, афзаллик ва камчилик тарафлари тушунтирилади.

Fikr

Шу каби муаммоли вазиятни «Металларни кесиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик миқдорини ўлчаш» мавзуси ўқитилаётганда ўқитувчининг мавжуд иссиқликни ўлчаш усуллари тушунтириши орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бу тушунтиришда афзал-

лик ва камчиликлар санаб ўтилади. Шундан сўнг ўртага савол ташланади: «Кесиш зонасидаги иссиқликни қандай усуллар билан ўлчаш мумкин?». Бу ўқувчиларни фикрлашга ундайди. Ўқувчиларнинг фикри тингланади. Илмий асосланган фикрлар танлаб олиниб, муҳокамага қўйилади. Фикрлаш жараёнида ўқувчиларнинг мавжуд билимлари етишмагани боис муаммони ҳал қилиш йўлида мустақил билим олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дарс ўтиш жараёнида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Дарсда

Mulohaza

Мактаб ўқувчиларининг кийими ҳамон муаммо, аммо мактаб ўқитувчиси қандай кийиниши керак? Бунинг ҳам ўз меъёрлари бор, менимча. Яъни, кейинги пайтларда мактаб ўқитувчиларининг, айниқса, аёллар кийимининг турли фасондалиги кўзни қамаштирмоқда. Қўлларидан тилла узук, бўйнида занжир, ёшига мос бўлмаган соч турмақлари, юз безаклари... Бу фикримга қарши чиқувчилар талайгина топилади. Чунки бу борада «Нима, ёзишга бошқа мавзу йўқми, ўқитувчимисиз, кийимни эмас, китобни, ижара тизимини, мактаб ўқувчисининг формасини ёзинг» де-

МАКТАБ
ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
КИЙИМИ
у қандай бўлиши
керак?

ганлар ҳам бўлди. Аммо, ёш авлод энг аввало, ўқитувчисидан ибрат олади. Зеро, ўқитувчи унинг наздида энг билимли, энг ҳақиқатпарвар ва одил инсондир. Бироқ, орамизда ҳарир-юпқа матоли кўйлак ёки шим кийиб ишга бораётган ёш муаллималар ҳам топилади...

Ҳар бир нарсанинг меъёри бўлганидек, мактаб ўқитувчисининг кийими ҳам бежирим, ёшига ва қоматига мос, соч турмақлари оддийгина, пардоз-андози жойида бўлиши керак. Албатта, ушбу фикрлар фақат аёл ўқитувчиларгагина тааллуқли. Аммо, айрим эркак ўқитувчиларнинг ўз номига ярашмаган ҳатти-ҳаракатидан «сабоқ» олаётган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Ахир биз ёшларни тарбияловчи шахслармиз, улар бизнинг юриш-туришимиздан, кийинишимизу ўзимизни тутишимиздан ибрат олишади. Шунини унутмаслигимиз керак.

Дилбар НОРМУРОВОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб
ўқитувчиси

муаммоли вазият ҳосил қилиш оқибатида ўқувчилар мустақил билим олишга интиладилар, берилган муаммони ҳал қилиш жараёнида фикрлашга, мулоҳаза юришишга, хулоса чиқаришга уринадилар. Ўқитишнинг бундай услублари ўқувчини фаол, ижодий ўйлайдиган қилиб тарбиялашга ёрдам беради. Натижада ёш авлод мустақиллиги шаклланади. Таълим тизимининг энг асосий вазифаси рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Бугунги ўқувчининг эркин ижодий фикрлаши унинг келажакда янги техника ва технологиялар яратишдаги илмий ҳаракатининг дебوحаси бўлса, ажаб эмас.

Д. МАМАТОВ,
Низомий номидаги ТДПУ
касбий таълим факультети
талабаси

Олд қаторда ўтирган синфдошлар қикир-қикир кула бошлашди. Доскада турган Фабианнинг вужуди тер бўлиб оқмоқда: у ўқитувчи берган масалани ечолма-япти. Қўллари нам, овози титрайди, диққатини бир жойга йиғиш кераклиги хаёлига ҳам келмайди. Аввал миясидаги тўғри жавоб ўрни энди бўш. «Бошимда катта шар борга ўхшарди», гапириб берди у кейин. Ўқитувчи сўроққа тутганда, у доим бир хилда сукут сақлаб, «билмайман» дейди. Шу тарзда ҳафтала ойларга уланиб, Фабианнинг қўрқуви ортиб бораверади. Шу аҳволда 4-синфга ўтиши амримас.

Имтиҳонлар, ёзма ишлари доскадаги савол-жавоблар ўқувчиларнинг нафақат билимини текширади, балки уларга руҳий босим ўтказиб, иродани синайди. Бундай ҳолларда аксарият ўқувчилар ваҳимали хаёллар гирдобига тушиб, вазифани бажаролмайди, қўрқув гўдакнинг соғлом фикрлашига тўсқинлик қилади. «Билмайман», «ўқимадим» ёки «тушунмадим» дейишдан бошқа чора қолмайди.

Кўпчилик ўқувчилар мактабга турли ваҳимали фикрлар қуршоғида боради. «Ота-онам яна «2» олганимни билса нима деркин?», «Имтиҳондан ўтолмасам нима бўлади?». Кўпинча ота-оналарнинг ўзлари билмаган ҳолда қўрқув сабабчиларига айланишади, ҳаддан ташқари ғамхўрлик қилиш ҳам боланинг ўзига бўлган ишончини сусайтиради. «Фақат «5»га ўқийсан!» қабилдаги ярим ҳазил, ярим чин гаплар айрим болаларга тескари таъсир қилади. «Биз аввал бошдан Фабианга қаттиққўл бўлганмиз, — дейди унинг онаси, — чунки у дангасалиги туфайлигина ёмон баҳо олади, деб ўйлардик. Мактабдаги муҳит ҳам болага таъсир қилишини мана энди тушундик. Уйда у ҳамма саволларга тўғри жавоб беради. Аммо мактабда...»

Бошланғич ва юқори синфларда Фабианга ўхшаш кўплаб ўқувчилар топилади. Улар тиришқок, қизиқувчан, лекин қобилиятлари синовдан ўтаётган пайт доим сукут сақлайди. «Имтиҳондан қўрқиш ўқувчиларда бошланғич синфлардан бошланади ва йилдан-йилга кучайиб боради. Шу сабаб қўрқувни енгишни болаларга ёшлигиданоқ ўргатиб бориш жуда муҳим», дейди Лидиа Зур. У Кёлндаги «Болалар эа ёшлар психотерапияси» поликлиникасида психотерапевт бўлиб ишлайди. Бир неча йиллардан буён ўқувчиларнинг қўрқувга муносабатини ўрганади. Бола қайсидир фандан оқсайди ва Фабианга

ўхшаб ўқитувчи ёки қитмир синфдошларидан салбий фикр эшитади. «Болаларимиз ана шундай ёшлигиданоқ қўрқувнинг кулига айланишади. Улар руҳиятида қаттиқ изтироб чекиш бошланади. Энг ёмони, ота-оналарнинг ўзлари фарзандлари шундай азобланишига индамай қараб турадилар.

Бундай болалар ўзлари қўрқув тузоғига тушганларини билмайди. Асосий сабаб қилиб, ўз камчиликларини кўрсатади. Лекин вужуд бошдан кечирадиган ҳолатлар ҳаммасини «сотиб қўяди». Айниқса, юқори синф ўқувчиларида кўнгил айниши, қорин, бош оғриши кўп кузатилади. Лидиа Зурнинг фикрича, ўғил болалар қизларга қараганда кўпроқ қўрқади-

волга жавоб беролмай, индамай тураверади. Чунки уларда ўз қобилиятларига бўлган ишонч етарли даражада эмас». Ўз қобилиятига ишончсизлик бу ижтимоий қўрқувларнинг бир тури ҳисобланади. Бола бошқалар томонидан баҳоланишдан қўрқади. Бу вақтда бола миясига фақат ваҳимали хаёллар келади.

Имтиҳон изтиробларига қарши жасурлик ва ижодкорлик

Вақт ўтиши билан истеъдодли болалар ўзларининг қўрқувни енгиш стратегияларини ўйлаб топадилар. Бола кўрқинчли хаёлларга қарши ғоялардан

«Қўлимдан келадими!»

бу фикр ўқувчидаги қўрқув туйғусини бартараф этади

лар. «Улар қизларга қараганда дангасароқ, мактабга кам эътибор қаратгани учун имтиҳонларда биринчи бўлиб муваффақиятсизликка учрайди.»

Қўрқув — ишончсизлик дояси

Ана шундай болаларга ёрдам бериш учун Лидиа Зур докторлик иши доирасида бир қатор қўрқувни енгиш чораларини ишлаб чиқди. Докторлик ишининг номи «Қўрқувни енгувчи ғоялар» деб номланади. Тадқиқотда 10 нафар ўқувчи қатнашиб, мутахассис хулосалари ярим йил давомида илмий кенгаш томонидан баҳоланди. «Доим қўрқишга одатланган болалар са-



фойдаланишининг ўзи кифоя қилмайди. У ўз ҳаётий тажрибаси орқали шундай вазиятда ўзини қандай тутишни, яъни тушуниб ўқиши, вазифани хотиржам ва диққат билан ечиши, саволларга такрор-такрор кўз югуртириб чиқиши, тушунмаганини сўраши, топшириқни бажариш режасини туза билиши керак.

Одатдаги кўрқинчли хаёллар: «Бошқалар мендан яхши билади», «Мен бу фанда қийналаман», «Мен хато қилмаслигим керак», «Менинг ақлим паст», «Мен жаҳлдор ва кўрқокман», «Бу қўлимдан келмайди», «Вазифалар мен учун жуда оғир», «Мен индамаганим маъқул», «Мен яна ёмон баҳо олсам, бошқалар нима деркин?»

Ruhshunos maslahati

Қўрқувни енгувчи фикрлар: «Озгина ҳаяжон, ўтиб кетади», «Бошқалар ҳам ҳаяжонланапти», «Фақат жасурлик, қолгани яхши бўлади», «Мен бунга аниқ уддалайман», «Хотиржам бўлиб топшириқни яна бир кўриб чиқаман», «Аввал осондан бошласам, яхши бўлади», «Қийин масала ҳам мени кўрқитолмайди», «Биттасини бажаролмасам, ҳечқиси йўқ», «Ҳамма хато қилади, ҳеч ким мукамал эмас», «Мен яхши ўқиб қидим», «Мен аввал ҳам тўғри ечардим», «Аввал чуқур нафас олиб, ўзимни бўш қўяман».

Болалар ўқиш самарадорлигини ошириш учун вақтдан режали фойдаланишни, ўзларига етишмаётган билимни қандай топишни ўрганиши лозим. Мутахассислар шу ўринда ўқувчилар мавзу ҳақида ўзаро фикр алмашишларини маслаҳат беради. «Ҳайрон қоларлиси, — дейди Лидиа Зур, — кўп ўқувчилар тушунмаган, билмайдиган нарсаларини ўртоқларидан сўрашга ор қиладилар.» Болага ёшлигидан ўқишда аниқ мақсадга эришиш, ҳафта кунларини режали ўтказишга ёрдам бериш керак. Билим олишда аниқлик ва тиришқоқлик зарур. Бола дарс тайёрлаб ўтирадиган ўрнидан ўйнаб дам оладиган жойи кўринмаслиги керак. Ўқув қуроллари доим саранжом бўлиши шарт.

Хотиржам ота-она — хотиржам бола

Рухшunos олдига келадиган деярли барча ота-оналар шу ерда ҳамфикрлар: имтиҳон кунлари ота-онадаги кайфият болага таъсир қилмай қолмайди. Қўрқувни енгишда ота-онанинг роли жуда муҳим: ота-она фарзандини олган баҳолари туфайли жуда мактаб юборса ёхуд «Сендан бунга кутмаганим...» дея ерга уриб, таъна қилса ҳам болага зулм қилган бўлади. Жазолаш ёки камчилигини юзига солавериш ҳам болани кўрқок қилиб қўяди. Ва ниҳоят, «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, ота-она ўз қўрқувларини хотиржамлик билан енга олса, бола ҳам худди шундай қилади.

«Spielen und lernen» («Ўйин ва ўқиш») журналидан ЎзДЖТУ талабаси Гулгун СУЛТОНОВА таржимаси.

ФАРЗАНДИНГИЗ ҚАЛБИДАН ЖОЙ ОЛГАНМИСИЗ?

Ота-оналарнинг болаларини койиғанларини кўп бор эшитганмиз. Одатий насиҳат «Мен сен учун шунча ҳаракат қилиб пул топсаму сен бундай ишлар қилсанг» деб бунланади. Ота-она фарзанди учун бор-йўғини беришга тайёрлиги ҳаммага маълум. Аммо қилинган хизмат миннат қилинса-чи? Ҳар қанча койишга чидаган вужудга буниси оғирлик қилади. Қадрли ота-оналаримизни хафа қилишни сира истамаган ҳолда, кўп фарзандлардан эшитганим бир ҳақиқатни айтмоқчиман: биз ота-онамизни фақат бизни боққанлари учунгина яхши кўрмаймиз. Агар шундай бўлса, ота-оналик масъулияти жуда енгил бўларди. Ота-онанинг фарзанд қалбидаги ўрнини ҳеч ким эгаллаш олмайди, уни бошқа одам билан алмаштириб ҳам бўлмайди... Одамзот икки нарсани танлай олмайди. Бири ота-онасини, иккинчиси тугилиб ўсган жойини.

Ҳозир касал бўлсанг, қимматга тушасан», ўзига тўқ хонадон соҳибининг боласига айтган гапини эшитиб қолдим. Дори боладан қимматмасдир. Умуман, ота-онанинг фарзанди камолини кўриш учун тинмай ҳаракат қилишини ҳамма билади. Буни оилада вояга етаётган энг ёмон бола ҳам идрок қила олади. Ҳар бир гапда сарфланаётган пулни гапириш шартмикан? Ёки энг сўнгги урфдаги қимматбаҳо кийим-кечакни олиб бермасам, болам мендан хафа бўлиб, ёмон кўриб

ОТА-ОНАНИНГИЗНИ НЕЧОҒЛИК БИЛАСИЗ?

Тушлик пайти эди. Ҳаммамиз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарканмиз, ким қайси таомни яхши кўриши-ю, қайси мевани ёқтирмаслиги ҳақида сўз борди. Ўтирганлар ҳатто дугонасининг ҳам нимани севиб истеъмо қилишигача билишаркан. Ичимизда зийракроқ бўлган бир қиз тўсатдан «Ота-онангиз нимани яхши кўради?» деб сўраб қолди. Кутилмаган бу

ўтсам ҳам «пул берайми», дейдилар. Бирор марта «Сиз нима егингиз келаяпти? Қайси мевани яхши кўрасиз?» деганимни эслолмадим. Демак, шу вақтгача дадам менга гўёки пул ишлаб чиқарувчи машина бўлиб хизмат қилган. Ёзишга ҳам уят, аммо ҳақиқат шундаки, мен чиндан дадамнинг нимани яхши кўриб ейишларини билмайман. Тагин мен дадамнинг энг яхши кўрган қизи эмишман-а? Таъна-ю хижолат бир бўлиб, менда мудраб ётган туйғуларни уйғотмоқчи бўлди...

оналарга хос хислат: гўёки улар фақат меҳнатга яратилгандек, касал бўлса ҳам докторга бормайди. Ўтиб кетмаслигини, фақатгина вақтларини, пулни қизганиб бормаётганликларини билсак-да, бунга биз фарзандлар ҳам бепарвомиз.

«Ота-она болалари учун, болалар ўзларининг болалари учун». Бувим шу гапни кўп такрорлардилар. Ота-онанинг ўнта болани боқишга қурби етади, ўнта бола бир ота-онани боқолмайди. Насиб қилиб, Худо фарзаңд берса, уни ундириб-ўстириш билан овора бўламиз. Аммо ота-онангизга охирги марта нима олиб берганингизни эслаш оласизми?

Онамнинг ранги ўчган кўйлақларига қараб, «Чиройли кўйлақлар олиб, кийиб юрсангиз бўлмайдими?» дейман. «Қизим, тўхтаб тур, фалон тўйни ўтказиб олайлик, кейин» дейдилар. Бу гапни кўп эшитганман. Кейин бешик тўйи, яна кимдир тувилади ёки яна қандайдир маросим бўлади. Эҳ-ҳе, йигинлардан кўпи бор эканми?! Гап бунда ҳам эмас. Барибир онам биздан орттириб ўзларига кийим олишга кўнгиллари чопмайди.

Қачондир ишларимиз биттар, шошилчинч юмушларимиз ҳам камаяр. Фақат, унда ганимат дунёдаги омонат одамларимиз ёнимизда бўлармиканлар?!
Юлдуз

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД

қолади, деб ўйлаш тўғрмикан? Ахир фарзаңд ўзининг ишонган тоғи— ота-онасини унинг олиб берадиган кийими учун яхши кўрмайди. Ота-она ва фарзаңд ўртасида моддиятдан анча устун турадиган руҳий яқинлик борки, буни сўз билан ифодалаш қийин. Аммо, айрим ота-оналар қайси фарзаңдига қанча пул сарфлаганини санаб чарчамайди...

Балки ҳали ота-оналик заҳматини чекиб кўрмаганим учун хомроқ фикрлаётгандирман. Аммо, менимча, ҳеч қайси фарзаңд ота-онаси яхши пул топгани учунгина уларни яхши кўрмайди. Балки, ҳеч ким улардек меҳрибон ва ғамхўр бўлолмаслиги сабабли яхши кўради.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

саволдан даврага умумий жимлик чўқди. Орамизда фақат бири киши отасининг нимани ёқтиришини тахмин қила олди, холос. Шундагина ота-онамизни лоақал дугонамизни билганчалик билмаслигимиз, уларга безъитборлигимиз маълум бўлди.

Умримда биринчи марта ота-онамдан уялдим. Улар-ку, бу воқеани билишгани йўқ. Бироқ, ҳар доим фарзаңдлари ташвишида юрадиган ота-онамдан нақадар узоқлигимни билиш оғир эди. Тўғри, биз бир уйда яшаймиз, бир-биримизни ҳар куни кўрамиз, гаплашамиз. Ўзимни кузатсам, мен дадамга пул (ҳа, бирон ишда маслаҳат эмас, айнан пул) сўраш учун энг кўп муурожаат қиларканман. Дадамнинг олдиларидан шунчаки

Одам эллиқдан ошгандан кейин нозиклашиб қолади. Бу яна унинг ёшлиги қандай ўтганига ҳам боғлиқ. Дадам отасиз ўсганлари учун, болаларим ҳеч нимадан камчилик сезмасин, деб ўзларини аямай ишлайдилар. Баъзан нимадандир сиқилаётган бўлса-да, билдирмайдилар. Уларга шифокорга учрашиш кераклиги ҳақида гапириш бефойда. Эрта-индин деб баҳона қилиб, барибир бормайдилар. Аммо бир сафар ўзлари бораман, деб қолдилар. Ўпка, буйрак, юрак, қон босимининг кўтарилиши... Доктор рўйхатни ўқиркан, дадам хотиржам ўтирардилар.

Ўшанда, ҳар касал бўлганларида, ўтиб кетади, деб докторга бормаганликларининг оқибатини билдим. Ҳамма ота-

**Ўтмишни эсламаслик — эссизликдир.
Биз ўтмишдан чўғ оламиз, кул эмас.**

Маънавият кунларидан таассуротлар қолдимиз?

**Дунёнинг тилаги,
самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси —
жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук
деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи—
гавҳари ҳам биз.**

Умар Хайём

Сирли оламнинг мўъжизалари кўйнида яшарканмиз, уларни кўриб: «Ажаб дунё экан» дея лолу ҳайрон қоламиз, кўҳна олам ажойиботларидан ҳайрат ила ёқамизни ушлаймиз. Дунёнинг яратилиши мўъжиза бўлганми? Бўлган! Демак, олам—мўъжиза! Ҳаёт—мўъжиза! Тириклик—мўъжиза! Ҳатто, ўлим ҳам мўъжиза!

Улкан бу мўъжизаларни ўз ҳолига кўяйлик-да, кичик бир масални келтирайлик.

Ҳозиргина дунёга келган қум заррасидек чироқ парвонаси ер узра ўрмалаб, учишга қанотларини силкий бошлади:

— И-е, шу миттивойда ҳам жон бор экан-да, — деймиз.

Ҳа, шу заррадек ҳашаротга ҳам чеварлик билан жон ато этилган.

— Парвона нима учун жонсарақ? — деб савол айлаймиз.

— Ризқ-насиба топишга, — деган жавоб бўлади.

Қизик! Парвонага оҳиста тегиб кўрамиз. У қанот қоқиб учади.

— И-е, жони ширин экан-ку, — деймиз ачиниб.

— Ҳа, у ҳам дунёга яшаш учун келган-да, — деган садо бўлади.

Кўрамизки, шу жимитдек чироқ капалакда ҳам ҳаётга интиқлик бор, умр ўлчови ва узлат муддати бор. Табиатнинг танлигига тан берамиз, чунки бу ҳам мўъжиза!

Келинг, энди Инсон зотини ўйлаб кўрайлик. У ўзи қандай мўъжиза?! Инсон нақадар гўзал?! (Биз бу иборада «гўзал» сўзини ҳусни чирой таърифида эмас, «мўъжиза» деган маънода хитоб қилмоқчимиз). Ахир, Инсонни ўн саккиз минг оламнинг минг-минглаб мўъжизаларидан, ҳаттоки, энг олийсига қиёслаб ёки тенглаб бўлармикан? Чексиз бу оламнинг қайсидир бир дунёсида у каби ноёб хилқат бормикан? Бор бўлса, у ҳам Инсондек мукамал яратилганмикан?

Инсон мукамаллик билан бирга яна ғоят мураккаб хилқат! Буни мана бу муаммоли ибора тасдиқ этади: **Олам аро ҳар бир одам — бир олам!**

Хўш, бунинг сири нимада? «Одам — бир Олам» дейишнинг маъноси шуки, дунё яратилиши қандай мўъжизали юз берган бўлса, Инсон ҳам шундай сеҳр қуввати билан яратилган. Унинг нутфадан пайдо бўлиши, улғайиши, умр кечирishi, зоҳирий ва ботиний кечинмалари, дорулфанодан дорулбақога рихлат қилиши — ҳаммаси мўъжиза! У дунёга сирли келиб, умрини серҳаракат бир тарзда ўтказадю нималарнидир адо этиб, яна сирли ҳолатда ғойиб бўлади. Ажаб, дунёдан кетган бирор зот қайтмайди. Шундай. Инсон

қаердан келаяптию қаерга кетаяпти, ҳаёт ибтидоси қандай бўлгану, интиҳоси нима билан тугагани ҳеч ким билмайди! Тегирмон тошидек чарх уриб турган оламнинг мантқиқ-мақсади тириклик бўлса, одамий қадр-қиммат, оқибат—ҳиммат, меҳр-муҳаббатнинг ҳидоятли йўли билан Инсон камоли қандай улғу чўққига кўтарилади?! Буларнинг ҳаммасини Яратганнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди ва таъриф-тавсиф этиб бера олмайди, чунки Одамга бу даражада каромат қилиш учун илми ғойиб қувваи ҳофизаси ато этилмаган. Лекин ҳар бир Инсонга буюк ақл тўхфа қилиниб, ҳидоят йўли равшан кўрсатиб қўйилган.

«Меҳмонхона»дек бу ёруғ дунёнинг зийнати Инсон тақдири — камолини ўйлаганда, юракда қон фаввора бўлиб нидо қилганда, пок муҳаббатимиз билан ҳамду санолар айтамыз:

— Эй буюк Инсон, нақадар нодир мавжудотсан?! Нақадар ёқимли, нақадар фусункор, нақадар нузли зотсан! Мунчалар доно, мунчалар зукко, мунчалар аъло хилқатсан! Сенинг идрокнинг, ироданг, сабринг, илҳоминг кут-барақа фазилатлари билан жилланган. Ўзинг севинч-қувончларга қанотсан, ғам-қайғуларни кўтаришга пўлатсан! Сен умр лаҳзаларини безашга гўё фасли кўкларсан, меҳрда ҳам, қаҳрда ҳам сахию ўқтамсан! Сенинг камолингда Қуёшнинг жамолини кўраман. Сен ўзи қанақа сеҳржоду билан яратилгансан, нақадар азизу мукаррамсан!

Ровийлардан қолган қадимий битикларда Инсоннинг Ер юзиде нақадар азизу мукаррамлиги, умр кечирishi учун ҳамма нарса муҳайё этилганлиги, ажойиб неъматлар тўхфа қилиб қўйилганлиги гўзал ифодасини топган. Инсонга берилган олий неъматларни эса, санаб сановига, синаб сир-си-

ноатига етиб бўлмайди. Келинг, шу неъматлардан баъзиларини тавсиф этиб, Инсоннинг буюклигига имон келтирайлик.

Тириклик неъматини

Уни қандай баҳолаб бўлади? Бу ёруғ дунёда ҳаводан тўйиб нафас олиш, соғлом юриш, ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиш, умид-орзули дунёда кеча ва кундузнинг севинч-ташвишлари билан яшаш мунчалар ширин! Инсон ўлчовли ва меъёрли тириклик неъматини қадрлайдими ёки йўқми?! Шукр қиладими ёки босар-тусарини билмай бир-бирига адовату зулм қилаверадими?! Ширин умрни гуноҳу азим ва ёмонликлар эгови билан емирадиган банди ғофил ҳаётга нима мақсадда келган ўзи?! Яйраб-яшнаб яшаш учунми ёки чашмадек тиниқ ҳаётни булғаб, ҳаром-ҳарошга чулғаб кетишга келганми? Бандаси бир кун умри тугагани билса ҳам, ҳаёлининг тизгинсиз қанотида учиб юриб, ўзини ҳеч қачон ўлмайдиган ёки ҳали кўп яшайдиган каби ҳис этиб интилаверади, ўлчовли умр тугаганида эса, тириклик неъматини қадрламаганига, уни одамлар-

кўзини чўқимайди. Бир қузғунки, бир-бирига шундай жонбажо, лекин инсондек ақли ва меҳрли зот адоват билан бир-бирини ҳалок этмоғи нечун?

Ақл неъматини

Инсонга бу неъмат гултож этиб берилди. У одам аъзойитанининг энг табаррук бўлагига — бош қисмига жо-бажо этиб қўйилган. Ақл қуввати — табиатнинг олий неъматини! Инсон ақл билан Ер сайёрасининг султони бўлди. Кимки ақл ўрнига жаҳлга йўл берса, сulton эмас, донолар томонидан нодон аталди. Ақл яхшилиққа ҳамдам бўлиб, ёмонликка юз бурилса, ғам-алам тортади, инсон виждони қийналади. Ақл неъматини билган лаззат шарбатини ичади.

Ҳикмат бор: ақли йўқ — девона, девона эса шўрпешона, у ақлни ишлатмаса ҳаёт йўли равшан бўлмайди, умри гулшан кўрмайди.

Матал бор: доно билиб сўзлайди, аъло ишни кўзлайди.

Ҳамма тирик мавжудотда ақл бор, лекин узун-қисқа, синиқ-кемтик, ортиқ ёки кам!

лар, дил истаса ҳам маккорнигоҳ ташламайдилар.

Эшитиш неъматини

Чархи фалакнинг садою ни-долари кўп. Олам мунчалар ҳаяжонли! Кўз билан кўриб турган борлиқнинг сукунатда қолишини ҳис этинг! Дунёда жимжитликдан даҳшатли нарса йўқ! Олам билан мулоқот эшитиш туфайли бўлади. Серҳаракат дунё оҳанг—овозлари билан гўзал! Одам эшитиш билан руҳига роҳат, қувватига шижоат олади.

Ҳикмат бор: Яхшини эшитиб ибрат ол, майин сўзлаб иззат ол!

Матал бор: ёқимли овоз — дилга ҳамроз.

Жаҳлу дўқдан, кесатик билан яратилган овоз дилни вайрон қилади.

Булбул хониш қилганда минг оҳанг янграйди, эшак ҳар қанча кучанса ҳам бир хил ханграйди.

Куч-қувват неъматини

Бу неъмат шундай яратилганки, унга ақл-заковат қўшилса, инсон бутун мавжудотдан куч-қувватда устунликка муяссар бўлади. Солиҳ кишилар бу

ТАСАБАНИНГ БУЮК

Ушбу мақолани дўстим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Сўзлаш неъматини

Инсон умид-истагини айтмоғи ва дил чигилини ёзмағи учун сўз тўхфа этилди. Тил дилнинг оҳангли ифодачиси бўлди. Тилнинг раҳми ҳам, қаҳри ҳам бор. Ҳақимлар ҳақ айтишади: яхши топиб гапирди, ёмон қопиб гапирди. Ширину шакар ҳам — тил, қотилу заҳар ҳам — тил.

Аччиқ сўздан асабга озор етди,

Яшнаб турган кўнгилни мазор этди.

Тил — оғизнинг лоласи, сўз — ақлнинг боласи бўлди. Тийилган тилдан тайинли сўз чиқади.

Ҳикмат бор: тил-забонингни сарбони бўл, яхши сўзнинг қурбони бўл.

Матал бор: Одам борки, ширин сўзнинг гадоси, Ширинзабон — одамларнинг аълоси.

Кўриш неъматини

Ранг-баранг бу дунёнинг жило-жилваларини, минг тусда товланишларини, малоҳат ва латофатли жиҳатларини кўриб ҳиссий завқланиш, ором олиш, дилга оройиш бериш учун кўзнинг кўриш неъматини нақадар улғу тўхфа!

Ҳикмат бор: кўз — кўнгилнинг кўзгуси, у бутун вужудга ёруғ оламни намоён этганидек, одам дилидагини тиниқ булоқдек кўрсатиб туради, унда вужуднинг севинчи ёки қайғуси акс этади.

Матал бор: ёмон кўздан асрасин, ёмон кўзлар ёвуз ниятли бўлади. Яхшилар ёмон нарсаларни кўришдан сақланади-

неъматни фақат фойдали ва савобли юмушларга сарфу харж этадилар. Ким куч-қуввати ошиб, одам боласига озор берса, у «дилозор — худобезор»дир.

Ҳикмат бор: қувватинг борида — шоҳи жаҳонсан, қаригач кучинг йўқ, нотаовон жонсан.

Инсон куч-қуввати ошиб-тошганда такабурлик қилса, босар-тусарини билмаса, ёши ўтиб, уни йўқотганда қуриётган дарахтдек шалвираб, титраб қолади, кучлиларга муҳтож бўлади ва хор-зорликда узлатга кетади.

Матал бор: куч-қувватга ғайрат зарур, ғайрат учун қувват зарур.

Куч-қувват неъматини ақл-заковат билан қўшган инсон иқбол-истиқболга чиқади.

Ҳавои нафс неъматини

Инсонда икки ҳавои нафс аъзоси бўлиб, бири юқоридан, иккинчиси пастанд ўрин олган. Нафс аслида вужуднинг хоҳиш, истак, майлидан келиб чиқиб, дунёнинг лаззату неъматларидан, маънавию моддий бойлиқларидан ва жамики ҳалол нарсалардан баҳра олиш учун ато этилган. Икки нафсини тийган Одам азиз бўлади. Лекин нафснинг жилови йўқ, шунинг учун тергаб-тийиш жуда қийин. Айниқса, нафси амморани — ғолиб келувчи нафсни тўхтатиб қолиш амри-маҳол бўлади. Ҳавои нафснинг бу хил турлари ҳам кўп. Шулардан энг юқумлиси ва шиддатлиги мол-дунё тўплаш, иккинчиси мансаб эгаллашдир. Ҳар иккиси жуда ширин нафс бўлиб, бандала-



MAYZULAR QANDAY REJALASHTIRILADI?

O'ZBEKISTON TARIXI

11-sinfda «O'zbekiston tarixi» kursi orqali xalqimiz taqdirida keskin burulish yasagan, butunlay yangi taraqqiyot davrini boshlab bergan mustaqillik davri tarixini o'rganish jarayonida milliy uyg'onish, milliy yangilanish va milliy o'zligini anglash tushunchalarini o'zida mujassam etgan istiqloq davri tarixi bilan yaqindan tanishiladi.

Mazkur kursda bugungi O'zbekiston jahon xaritasida paydo bo'lgan tasodifiy mamlakat emasligi, uning ildizlari nihoyatda chuqur va qadimiy

ekanligi bilan bir qatorda ma'naviy va jismoniy tubelikdan so'ng berilgan beqiyos ne'matlarni — qadimiy an'analar va qadriyatlarimizni qayta tiklash imkoniyatlari, bu borada amalga oshirilgan tarixiy jarayonlar, voqea va hodisalar haqida so'z yuritiladi.

«O'zbekiston tarixi» fani uchun 51 soat ajratilgan bo'lib, mazkur fanni o'quv yilining birinchi yarim yiliga 1 soatdan, o'quv yilning ikkinchi yarim yiligidan esa 2 soatdan o'qitilishi tavsiya etiladi.

11 - sinf dasturi.
Uqtirish xati
«Mehnat ta'limi» fanini
o'qitishning maqsad va vazifalari

Hozirgi davr yosh avlodni komil inson sifatida tarbiyalashda, fan, texnika, ijodkorlik, milliy hunarmandchilik, loyihalashtirish, tikuvchilik, pazandachilik, qishloq xo'jalik va turli sohalarida xalo'aro aloqalar jadal rivojlanib borayotgan bir paytda mehnat ta'limi fanini mukammal bilish vazifasi ham dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Mehnat ta'limi fanini o'quvchilar maktablarda amaliy, ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarda o'rganadilar.

Dasturning maqsadi:
O'quvchilar mehnat ta'limi fanini 5-7-sinflarda 5 yo'nalish bo'yicha olgan bilim, ko'nikma va malakalar asosida ijtimoiy foydali unumli mehnatni tashkil qilish, hayotga tayyorlash uchun, bichish-tikish, pazandachilik, tadbirkorlik, kasbga yo'naltirishga, yog'ochga, metalga ishlov berishga, qishloq xo'jaligiga oid bilimlarini takomillashtirish.

Dasturning vazifalari: Maktabni bitirgan har bir o'quvchi tanlagan kasbi bo'yicha ham nazariy, ham amaliy ko'nikmalarni mukammal egallagan bo'lishi kerak.

Amaliy ishlar. Bozor iqtisodiyotiga amal qilgan holda o'quvchilar tomonidan bajarilgan ishlar bozorga, sotuvga chiqariladi. Bajaradigan ishga qarab (qo'lda, dastgohda) tayyorlanadigan ishga qarab ish rejasi murakkablashtirib beriladi.

Dasturdagi o'quv materiallari haftasiga 1 soatga mo'ljallangan bo'lib, jami 34 soatni qamrab oladi. O'quvchilarni kasbga yo'naltirish uchun maktab ixtiyorida berilgan soatlardan foydalanish mumkin.

Ushbu dastur umumiy o'rta ta'lim maktablarida mehnat ta'limini o'qitayotgan muallimlarga, darslik yozuvchi mualliflarga hamda mehnat ta'limini maktabda va mustaqil o'rganayotgan o'quvchilarga mo'ljallangan bo'lib, undan dars berish, darslik va qo'llanmalar yozishda foydalanish mumkin.

Amaliy ishlarning qisqacha mazmuni. Grafik ishlar va ularning o'lchamini aniqlash, zagotovka tanlash va ishni rejalashtirish, texnik kartaga qaragan holda ishni rejalash, tayyorlash vaqti va sifati, tejamkorlik, o'quvchilarni o'qitish jarayonida ularni har xil ishlar — gazlama, metall va yog'ochga ishlov berish, belgi qo'yish, texnik konstruktsiya tanlash, dastgohlarni tejab ishlatish va tayyor buyumlarning narxini qo'ya bilish. Chizma bo'yicha buyumlarning sifatini aniqlash (lineyka, duradgorlik uqolnik yordamida). Ko'rgazma buyumlar, tayyor buyumlar namunasi. Pazandachilik bo'yicha: oziq-ovqatlar, ovqatlanishning bola organizmidagi ahamiyati. Xavfsizlik texnikasi va sanitariya gigiyena qoidalari.

Yog'och va metalga qo'lda ishlov berishda xavfsizlik texnika qoidalari

I. Ish boshlagunga qadar:
1. Maxsus ishchi kiyimni to'g'ri kiyib olish.
2. Metall qirg'ich ishlarini bajarishda himoya ko'zoynagini taqib olish.
3. Barcha asboblarda o'z o'rnida ekanligini tekshirib ko'rib, nosoz ishchi asboblarda mavjud bo'lgan holda o'qituvchiga xabar qilish.
4. Dastgoh va uskunaning sozligini tekshirib ko'rish.

II. Ish vaqtida:
1. Ishlov beriladigan materialni uskunaga mustahkam qilib siqib qo'yish.
2. Ishni faqat soz, to'g'ri rostlangan asbobda bajarish.
3. Jarohatlashning oldini olish maqsadida:
— bolg'a va kuval muhralari yuzasini silliq, yorilmagan va o'yiqliksiz bo'lishi kerak;
— uchi asboblarda (egov va b.) yog'ochdan ishlangan, mustahkam o'rnatilgan, yoriqlarsiz tutqichga ega bo'lishi kerak;
— zarbli kesuvchi asboblarda

11-sinf «O'zbekiston tarixi»(51 soat)		
№	Mavzu	Soat
1	Kirish	1
	I bo'lim. Mustaqil O'zbekiston davlatining tashkil topishi	8
2	Mustaqillik - o'zbek xalqining azaliy orzu-intilishi.	1
3	O'zbekistonning davlat mustaqilligini qo'lga kiritish tomon yo'l tutishi	1
4	O'zbekiston davlat suverenitetining e'lon qilinishi	1
5	O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining umumxalq tomonidan ma'qullanishi. Mustaqillik davlat ramzlarining qabul qilinishi	1
6	I.A.Karimov- Mustaqil O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti	1
7	O'zbekistonning o'ziga xos istiqloq va taraqqiyot yo'li	1
8	O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qabul qilinishi va uning ahamiyati	1
9	Umumlashtiruvchi takrorlash darsi	1
	II bo'lim. Siyosiy islohotlar - Milliy davlatchilik poydevorining barpo etilishi	8
10	O'zbekistonda Oliy davlat vakillik organi - qonun chiqaruvchi hokimiyatning shakllanishi	1
11	O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qonunchilik faoliyati. Oliy Majlisning so'nggi sessiyalari va ularning qarorlari	2
12	Milliy davlat boshqaruv tizimining barpo qilinishi. Boshqaruvda yangi usullarning qaror topishi	1
13	Mahalliy davlat hokimiyati tizimidagi tub o'zgarishlar	1
14	O'z-o'zini boshqarish organlarining yanada rivojlantirilishi	1
15	Kadrlar siyosatida yangicha yo'l	1
16	Umumlashtiruvchi takrorlash darsi	1
	III bo'lim. Mustaqil O'zbekiston davlati tarkibida suveren Qoraqalpog'iston Respublikasi	5
17	Mustaqillik yillarida Qoraqalpog'iston davlatchiligi taraqqiyoti	1
18	Iqtisodiy taraqqiyot	1
19	Ijtimoiy sohaning rivojlanishi	1
20	Xalq ta'limi, fan va madaniyat	1
21	Umumlashtiruvchi-takrorlash darsi	1
	IV bo'lim. O'zbekistonda demokratik, fuqarolik jamiyati asoslarining shakllantirilishi	8
22	O'zbekistonning demokratik, fuqarolik jamiyat qurish yo'li	1
23	Sud hokimiyati islohotlari	1
24	Inson huquqlari va erkinliklari kafolatining yaratilishi	1
25	Demokratik saylov tizimining barpo etilishi	1
26	Siyosiy partiyalar va jamoat tashkilotlarining shakllanishi	1

Ikkinchi jahon urushi tugadi, biroq insoniyat yangi muammolarga duch keldi. Ular asosida AQSh va SSSR o'rtasidagi siyosiy va mafkuraviy ziddiyatlar yotardi. Ikkinchi jahon urushidan so'ng ular qudratli davlat sifatida jahon siyosatiga ulkan ta'sir ko'rsatdi. 1945 yildan 1991 yilgacha davom etgan o'zaro qarama-qarshilik misli ko'rilgan qurollanish poygasiga

JAHON TARIXI

olib keldi, natijada ommaviy qirg'in qilishning yangi turlari yaratildi.

G'oliblari bo'lmaydigan bunday raketa-yadroviy urushning be'maniligini umumiy tushunish qarama-qarshi tomonlarni yangi jahon urushiga olib keluvchi

27	Soxta demokratlarning ekstremistik yo'l bilan ho-kimiyatni egallashga urinishi va uning barbod bo'lishi	1
28	Jamiyatni demokratlashtirishda ommaviy axborot vositalari rolining ortib borishi	1
29	Umumlashtiruvchi-takrorlash darsi	2
	V bo'lim. Ijtimoiy-siyosiy barqarorlikning ta'minlanishi	4
30	Aholini kuchli ijtimoiy himoyalash — davlat siyosatining bosh yo'nalishi	1
31	Millatlararo totuvlikni ta'minlash choralarning amalga oshirilishi	1
32	Milliy havfsizlik va mamlakat mudofaa qobiliyatining mustahkamlanishi	1
33	Umumlashtiruvchi-takrorlash darsi	1
	VI bo'lim. Iqtisodiy islohotlar. Bozor munosabat-larining shakllanishi.	6
34	O'zbekistonning bozor iqtisodiga o'tish yo'li	1
35	Iqtisodiy islohotlar strategiyasi va uning huquqiy yaratilishi	1
36	Davlat mulkini xususiyashtirish. Ko'p ukladli iqtisodiyot va mulkdorlar sinfining shakllanishi	1
37	Iqtisodiyotning agrar sektoridagi o'zgarishlar	1
38	Makroiqtisodiyotni barqarorlashtirishga erishish	1
39	O'zbekistonning zamonaviy avtomobil ishlab chiqaruvchi mamlakatlar qatoriga qo'shilishi	1
	VII bo'lim. O'zbekistonning ma'naviy-ma'rifiy va madaniy taraqqiyoti	5
40	Ma'naviy qadriyatlar, milliy o'zlikni anglashning tiklanishi	1
41	Milliy istiqloq va Amir Temur omili	1
42	Milliy urf-odatlar, diniy qadriyatlarining tiklanishi	1
43	Milliy istiqloq mafkurasi	1
44	Ta'lim taraqqiyoti	1
	Madaniy hayot. Jismoniy tarbiya va sport	1
	VIII bo'lim. O'zbekistonning Jahon hamjamiyatiga qo'shilishi	6
45	XXI asr arafasida xalqaro vaziyat	1
46	Mustaqil O'zbekistonning BMTga qabul qilinishi, uning tarixiy ahamiyati. O'zbekiston tashqi aloqalarining kengayishi. O'zbekistonning Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligidagi o'rni va mavqeyining o'sib borishi	1
47	O'zbekistonning Markaziy Osiyo davlatlari bilan qardoshlik munosabatlarining yanada rivojlanishi.	1
48	I.Karimovning «O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolotlari» asari. Mintaqaviy mojarolar va xalqaro terrorizm.	1
49	Buyuk Ipak yo'li - taraqqiyot yo'li. XXI asr yangi sivilizatsiya davri	1
50	Umumlashtiruvchi-takrorlash darsi	1
51	Yakunlovchi dars	1

jahon jamoatchilik fikri kabi tushunchalar odatiy jumlag aylanligi va dunyoning bo'linmasligi, insoniyat birligi va uning xavfsizligi kabi tushunchalar o'rganiladi.

11-sinfda «Jahon tarixi» fani uchun 51 soat ajratilgan bo'lib, mazkur fanni o'quv yilining birinchi yarim yiliga 2 soatdan, o'quv yilning ikkinchi yarim yiligidan esa 1 soatdan o'qitilishi tavsiya etiladi.

№	Mavzu	Soat
1	Kirish	1 soat
	I BOB. Dunyo «Sovuq urush» davrida	7
2	«Sovuq urush»ning boshlanishi	1
3	Yevropaning birlashuvi.	1
4	Mustamlaka tizimining parchalanishi	1
5	«Kuch ishlatish» siyosatining yemirilishi.	1
6	Xalqaro keskinlikning yumshashi	1
7	BMTning urushdan so'ng jahondagi roli. BMTning tashkil topishi. BMT faoliyatining yo'nalishi	1
8	Umumlashtiruvchi - takrorlash darsi	1
	II BOB. XX asr ikkinchi yarmida AQSh va G'arbiy Yevropa mamlakatlari	9
9	50-90-yillarda AQSh	1
10	1960-2000-yillarda AQShning ichki va tashqi siyosati	1
11	Buyuk Britaniya 1950-2000-yillarda.	1
12	Fransiya: «Gollizm»ning qaror topishi.	1
13	GFR: Urushdan keyingi tiklanish	1
14	Italiya 1950-2000-yillarda	1
15	Ispaniya: Jamiyatning demokratlashuvi	1
16	Portugaliya: Demokratiyaga o'tish	1
17	Umumlashtirish darsi	1
	III BOB. Sharqiy Yevropa va Bolqon yarim oroli mamlakatlari ikkinchi jahon urushidan so'ng	12
18	Totalitar tuzumlarining qaror topishi	1
19	1950-2000 yillarda GDR	1
20	Vengriya: Totalitarizmni rad etish	1
21	Ruminiya: Demokratiyaga o'tish	1
22	Albaniya: Milliy tiklanish sari og'ir yo'l	1
23	Yugoslaviya: Rivojlanish yo'lining ziddiyatlari.	1
24	Gretsiya: Monarxiyadan — demokratiyaga	1
25	Bolgariya 1950-2000-yillarda	1
26	Chexoslovakiya 1950-2000 yillarda.	1

27	Polsha 1950-2000 yillarda	1
28	SSSR: Totalitarizmdan — demokratiyaga.	1
29	Umumlashtirish darsi	1
	IV BOB. Osiyo: Mustaqillik davri muammolari	16
30	Turkiya: Demokratianing murakkab yo'li	1
31	Xitoy 50-90 yillarda	1
32	Vetnam: Ozodlikning og'ir yo'li	1
33	Ikkiga bo'lingan Koreya	1
34	Indoneziya: diktaturaning mag'lubiyati.	1
35	Myanma (Birma) Ittifoqi. Tailand qirolligi	1
36	Mongoliya: Yangi jamiyat shakllanishi	1
37	Hindiston: Demokratik davlat yo'lida	1
38	Pokiston: Rivojlanish ziddiyatlari	1
39	Afg'oniston: Milliy fojea	1
40	Eron XX asrning ikkinchi yarmida	1
41	Saudiya Arabistoni: Teokratiyadan ma'rifati monarxiya tomon	1
42	Yaqin Sharq mamlakatlari. Arab-Isroil mojarosi	1
43	Yaponiya: Urushdan keyingi tiklanish	1
44	O'rta Osiyo davlatlari	1
45	Umumlashtirish darsi	1
	V BOB. Lotin Amerikasi: Mustaqillik uchun kurashning yangi bosqichi	1
46	Urushdan keyingi davr Lotin Amerikasi	1
	VI BOB. Afrika: Ozodlikning qo'lga kiritilishi	1
47	Misrning Respublika deb e'lon qilinishi (1952).	1
	VII BOB. Uminsoniy va ma'naviy qadriyatlar ahamiyatining oshishi	1
48	Rossiya 90-yillarda: demokratiyaning o'rnatilishi	1
	VIII BOB. XX asr ikkinchi yarmida fan va madaniyat	3
49	Fan va madaniyat arboblarning insonparvarlik, taraqqiyot va demokratiyaning qaror topishidagi roli	1
50	Umumlashtiruvchi-takrorlash darsi	1
51	Yakuniy dars	1

MEHNAT TA'LIMI

(kerner, krejtsmeysel va b.) ning zarb beruvchi qismi soz bo'lishi;

— egov bilan ishlashda barmoqlar uning ustki qismida bo'lishi.

4. Ishlov berilayotgan yuzaning silliqiligi barmoq bilan tekshirilmaydi.

5. Gaykadan ko'ra kattaroq kalitlardan foydalanilmaydi, kalitni qo'shimcha vositalar bilan uzaytirish taqiqlanadi.

6. Chilangarlik asboblardan faqat o'z vazifasiga ko'ra foydalanish.

7. Metalni qaychi bilan qirg'ishda uni qo'liqop kiygan holda tutib turish.

III. Ish tugaganidan so'ng:

1. Asboblarning holatini tekshirib ko'rib, nosoz asboblarni tozalash va soz holatga keltirish.

2. Asboblarni tozalash va soz holatga keltirish.

3. Ish o'rnini tartibga keltirish, chiqitlarni maxsus qutiga tashlash.

4. Asboblarni o'qituvchi joylashtirgan tartibda o'z o'rniga qo'yish.

Pazandachilik ishlarini bajarishda xavfsizlik texnikasi

Gaz plitalaridan foydalanishda:

1. Plitadan foydalanishdan avval xonani yaxshilab shamollatish kerak.

2. Gorelka va duxovka shkafi krani yopiqligiga ishonch hosil qilgach, uni ochish.

3. Gorelka alangasi moviy rangda bo'lishi va bir maromda yonishi lozim.

4. Agar u sariq rangda bo'lsa, gorelkani qaytadan rostdash kerak.

5. Duxovka shkafi gorelkasini yoqishdan oldin uni 2-3 daqiqa davomida shamollatish kerak.

idishdan foydalanish lozim.

Kesuvchi asboblarni ishlaganda:

1. Juda ehtiyot bo'lib ishlash. Kartoshkani ariqchali pichoq bilan, baliqni qirg'ich bilan tozalash, go'shtni qiymalagichga turtkich bilan kiritish kerak. Pichoq va vilkani tutgich tomoni bilan uzatish lozim.

2. Non va boshqa mahsulotlarni kesishda maxsus doskadan foydalanish va kesish qoidalariga amal qilish zarur.

3. Barmoqlar bir oz egilgan holatda pichoq kesish qirrasidan bir oz masofada ushlanishi zarur.

4. Qirg'ichdan foydalanganda ehtiyot bo'lish kerak. Mevani mahkam ushlab ishlash kerak, bunda juda kichik bo'lak qolguncha ushlab kerak emas.

Suyuqliklar (suv, yog' va b.) bilan ishlaganda:

1. Qaynayotgan suyuqlik idish chekkasidan to'kilib ketmasligini nazorat qilish. Suyuqlik juda kuchli qaynab ketsa, olovni pasaytirish.

2. Issiq idish qopqog'ini tutgich latta bilan ushlab va o'zidan narigi tomonga ochish.

11 - sinf «YOG'UCH VA UNGA ISHLOV BERISH TEKNOLOGIYASI» BO'YICHA TAXMINIY ISH REJA		
№	Mavzular	Taxminiy soatlar
1.	Kirish mashg'uloti	1
2.	Ish joyini tashkil etish	1
3.	Mashinasozlik elementlari	2
4.	Yog'ochlarga ishlov berish qo'l asboblari va elektr dastgohlari bilan buyumlar tayyorlash	10
5.	Ta'mirlash	2
6.	Yog'ochdan uy ro'zg'or buyumlari tayyorlash	2
7.	Xalq hunarmandchiligi texnologiyasi. Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi	10
8.	Elektrotexnik ishlar	2
9.	Uy ro'zg'orida tuzatish ishlari	2
10.	Savdo-sotiq ko'rgazma sotuvini tashkil qilish	2
Jami:		34

11 - sinf «METAL VA UNGA ISHLOV BERISH TEKNOLOGIYASI» BO'YICHA TAXMINIY ISH REJA		
№	Mavzular	Taxminiy soatlar
1.	Kirish mashg'uloti	1
2.	Ish joyini tashkil etish, mehnat va yong'indan saqlash xavfsizligi haqida tushuncha	1
3.	Mashinasozlik elementlari	2
4.	Metallarga ishlov berish, qo'l asboblari va elektr (tokarlik, frezerlash, parmalosh) dastgohlarida buyumlar tayyorlash	10
5.	Ta'mirlash	4
6.	Elektr texnik ishlar	4
7.	Ishlab chiqarish mehnati	6
8.	Yuzaga ishlov berish yo'llari (parozlash, tekislash va sayqallash)	2
9.	Sodda elektr zanjirlarini yasash	2
10.	Savdo-sotiq ko'rgazma sotuvini tashkil qilish	2
Jami:		34

11 - 11-sinf «Pazandachilik asoslari» bo'yicha ish reja		
№	Mavzular	Taxminiy soatlar
1.	Oziq-ovqat mahsulotlari haqida umumiy ma'lumotlar	5
1.	Texnika xavfsizligi haqida umumiy tushuntirish	1
2.	Oziq-ovqatda ishlatiladigan	

3.	yog'-moylarning ahamiyati	2
	Baliq va baliq mahsulotlarining ozuqaviy qiymati, ahamiyati va mohiyati	2
II. Pazandachilik ishlari uchun ish o'rnini jihozlash va mehnat xavfsizligi talablari 5 soat		
1.	Qandolat mahsulotlari tayyorlash uchun jihozlangan ish o'rnini tashkil etish	1
2.	Go'shtdan tayyorlanadigan taom tayyorlash uchun jihozlangan ish o'rnini tashkil etish	1
3.	Baliqdan taom tayyorlash uchun ish o'rnini tashkil etish.	1
4.	O'zbek milliy taomlarini tayyorlash uchun jihozlangan ish o'rnini tashkil etish. Asbob va moslamalar turlari va ularni amalda qo'llash	2
III. Pazandachilik ishlarida qo'llaniladigan jihozlar. 6 soat		
1.	Xamirturish mashinasining tuzilishi. Texnika xavfsizligi talablari	2
2.	«Kartoshka tozalagich»ning tuzilishi, vazifalari	2
3.	Elektr go'shtmaydalagichning tuzilishi, vazifalari	1
4.	«Universal kombayn», sharbat qaynatgich, kofe maydalagich, mikserlarning tuzilishi va ahamiyati	1

IV. Taom tayyorlash texnologiyasi. 9 soat		
1.	Pazandachilik ishlarida sanitariya-gigiena qoidalariga rioya qilish. Ovqatdan zaharlanish va uning oldini olish	2
2.	Murabbo tayyorlash va konservalash. Kompot tayyorlash va konservalar	2
3.	Sabzovatlarni zirovorlash va ularni konservalash	2
4.	Baliqqa birlamchi ishlov berish va undan taom tayyorlash va tortish. Qovurilgan va qaynatilgan baliq	2
5.	Mayda to'g'ralgan go'shtdan taom tayyorlash. Gulyash, bestroganlarni tayyorlab dasturxonaga tortish	1

V. O'zbek milliy taomlari. 4 soat		
1.	Yaxna taom va gazaklar. Norin tayyorlash va dasturxonaga tortish	1
2.	Go'sht, qazi, sabzavotlarni gazaklar tayyorlash tartib-qoidasi	1
3.	Dimlama tayyorlash va dasturxonaga tortish	1
4.	Karam va uzum bargidan do'lma tayyorlash va dasturxonaga tortish	1
Jami:		34 soat

11 - sinflar uchun «Gazlamaga ishlov berish texnologiya»si bo'yicha taxminiy ish reja		
№	Mavzular	Taxminiy soatlar
1. Materialshunoslik 1 soat		
1.	Texnika xavfsizligi qoidalarini umumiy tushuntirish. Kimyoviy tolalardan tayyorlangan gazlamalar	1
2. Asbob-uskunalar va ularni ishlatish 6 soat		
1.	Mehnat gigienasi tushunchasi. Kiyimlar assortimenti va razmeri.	1
2.	Gazlama ustiga andozani joylab bichish. Maxsus ish bajaradigan tikuv mashinalari	2
3.	Ish o'rnini tashkil qilish. Ish vaziyati va tayyorgarlik ishlari	1
5.	Ekskursiya: Tikuv fabrikasi yoki tikuv sexlariga	2

3. Mashina, mexanizm, stanoklar va moslamalar 4 soat		
1.	Elektr privodli tikuv mashinalar, ishlatilishida xavfsizlik texnikasi qoidalarini	1
2.	Mashinada bajariladigan ishlarning texnik shartlari. Mashinada bajariladigan ishlar uchun asbob va moslamalar (tepkilar, bukib tikish moslamalari, taxlama va burmalari bukib tikish moslamalari va hokazolar)	1
3.	Amaliy mashg'ulot: Tikuv mashinalarini tozalash, moylash, ichki kiyim choklaridan namunalarni tikish	1
4.	Amaliy mashg'ulot: Parallel yirik baxiya qator tikish	1

4. Tikuvchilik buyumlarini konstruksiyalash va modellashtirish 8soat		
1.	Gavdadan o'lchov olish va yozish	1
2.	Ko'ylak asosini chizmasini chizish.	1
3.	Ko'ylakni modellashtirish.	1
4.	Ko'ylak bichish.	1
5.	Birinchi primerka.	1
6.	Bolalar kiyimlarini tikish	1
7.	Yeng uchlarini tikishni boshlash.	1
8.	Ko'ylak etagini tikish.	1

5. Gazlama bo'yicha mashina, mexanizm, stanoklar va moslamalar, mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi 5 soat		
6. 11 sinflar uchun pazandachilikda qo'llaniladigan jihozlar va taom tayyorlash texnologiyasi 5 soat		

7. Xalq hunarmandchilik texnologiyasi 10 soat		
1.	Milliy kiyimlar, buyumlar haqida umumiy ma'lumot «ish qurollari, xavfsizlik texnika qoidalarini»	1
2.	Tikiladigan buyumlarga eskiz chizish va shablonlar (andozalar) tayyorlash	2
3.	Gazlamalarni ajratish, sifatini aniqlash va shablonlarni tayyorlash «Parket» shaklida yelpig'ich ish tayyorlash	2
5.	«Kvadrat» shaklida yostiqlik yoki bolish tikish	2
6.	Tayyorlangan shakllarni shablon asosida tikish	1
Jami:		34

11 - sinflar uchun «QISHLOQ XO'JALIK ASOSLARI» BO'YICHA TAXMINIY ISH REJA		
№	Mavzular	Taxminiy soatlar
1.	Kirish. Qishloq xo'jaligi moddiy oziq-ovqatlar yetishtirishning asosiy sohasi ekanligi. Dehqonchilik va chorvachilikni uyg'un rivojlantirish istiqbollari. Yerning qishloq xo'jaligida asosiy omil ekanligi	2
2.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirish texnologiyasi va texnikasiga oid tushunchalar (paxta, g'alla, kartoshka va boshqalar)	4
3.	Yer unumdorligi va ekin hosildorligini oshirishda o'g'itlarning ahamiyati va o'g'it turlari	2
4.	Yerga ishlov berish: yerni haydash va ekishdan oldin yumshatib tekislash ishlarning ahamiyati	4
5.	Urug' va ko'chat ekish usullari, me'yori, muddatlari	2
6.	Yetishtirilgan hosilni yig'ib-terib olish ishlari va unda ishlatiladigan qurollar, moslamalar va mashinalar. Hosilni tashish va saqlash	2
7.	Paxta hosilini yig'ib-terib olishda ishlatiladigan mashinalar majmuasi	6
8.	Qishloq xo'jalik mashinalarini ta'mirlash va saqlash. Qishloq xo'jalik mashinalari saroyi va servis xizmati ko'rsatish korxonalariga sayohat	6
9.	Qishloq xo'jalik asoslari (Mashinalari) bobi bo'yicha amaliy mashg'ulot	4
10.	Savdo-sotiq ko'rgazma sotuvini tashkil qilish	2
Jami:		34

11 - sinf

1. Qishloq xo'jaligi texnikasining ishdan chiqish sabablarini bilish va ularni bartaraf qilish yo'llari to'g'risida tushunchaga ega bo'lish va amalda qo'llay olish (18 soat).

2. Qishloq xo'jaligi texnikasiga 1-texnik qarovini o'tkazish olish (12 soat).

1. Urug'larni yig'ish, rezavor va manzarali o'simlik va ko'chatlarni ekish, ularni ko'paytirish uchun qalamchalar tayyorlash (22 soat).

2. Uzumzor va mevazor bog'larni qishga tayyorlash (16 soat).

— tuproqning tarkibi, mahalliy hududga xos xususiyatlari, sug'orish va o'g'it solish usullari, tuproq tarkibini ekiladigan ekin turiga nisbatan o'rganish va hosildorlikni oshirish yo'llarini bilish va amalda qo'llay olish;

— qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirishdagi ilg'or texnologiyalar, plyonka ostiga chigit ekish, yomg'irlatib sug'orish uskunalarining xususiyatlari va afzalliklari, qishloq xo'jalik texnikasining taraqqiyot yo'nalishlarini bilish va takomillashtirishga oid amaliy takliflar tayyorlay olish;

— dehqonchilik, chorvachilik asoslari, hosilni yig'ishtirib olish, tashish va saqlashni tashkil qilish qoidalarini bilish;

— qishloq xo'jalik texnikasining ishdan chiqish sabablarini bilish va ularni bartaraf qilish yo'llari to'g'risida tushunchaga ega bo'lish, qishloq xo'jalik texnikasiga birinchi texnik qarovni o'tkazish olish;

— urug'larni yig'ish, rezavor va manzarali o'simlik hamda ko'chatlarni ekish, ularni ko'paytirish uchun qalamchalar tayyorlash uzumzor va mevazor bog'larni o'ishga tayyorlash.

Qishloq xo'jalik ishlari

Dehqonchilik va chorvachilikka doir boshlang'ich ma'lumotlar. O'simliklarni o'stirish ob'ektlarning asosiy ro'yxati. Kuzgi boshqoqli o'simliklar, texnik ekinlar (kanop, g'o'za, tok, tut, rezavor mevali va manzarali o'simliklar, terak, qayrag'och, chinor, tut).

Nazariy ma'lumotlar. Qishloq xo'jalik ekinlarining hosilini yig'ishtirishga tayyorgarligini bildiruvchi tashqi belgilari. Paxta va boshqa ekinlar hosilini yig'ishtirish hamda saqlash qoidalarini. Tayanch xo'jaliklarda sabzavot ekinlarini yig'ishtirishning mexanizatsiyalashirilishi, hosilini yig'ishtirishda mehnat xavfsizligi. Dala, meva va rezavor bog'lar, o'simliklar dunyosining inson tomonidan boshqarilish namunasi. O'zbekiston oziq-ovqat dasturini amalga oshirishda dalachilik va sabzavotchilikning roli. O'zbekiston qishloq xo'jaligida (paxtachilik, ipakchilik, tutchilik, uzumchilikda ilmiy-texnika yutuqlaridan foydalanish) asosiy dala, texnika ekinlari,

3. Tovani yog'och tutgichidan ushlagan holda avval past olovga qo'yish va zarurat bo'lganda olovni ko'tarish lozim.

Tikuvchilik ishlarini bajarishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini igna va to'g'nog'ich bilan ishlaganda:

1. Tikish ishlarini bajarishda angishvonadan foydalanish.

2. Igna va to'g'nog'ichni maxsus ajratilgan joyda (maxsus yostiqa, quticha va b.) saqlash, ularni ish o'rnini (stol) da qoldirmaslik, igna va to'g'nog'ichni og'izga solish taqiqlanadi.

3. Zanglagan igna bilan tikish taqiqlanadi.

4. Gazlama va andozani tutishda to'g'nog'ichni ishlovchidan narigi tomonga qaratib mahkamlash.

Qaychi bilan ishlaganda:

1. Qaychini belgilangan joy (quticha) da saqlash.

2. Qaychi bilan ishlashda ular keskich qismini yopiq holda, ishlovchidan narigi tomonga qarab saqlash.

Tikuv mashinasida ishlaganda:

1. Elektr toki bilan ishlaydigan mashina yerga ulangan bo'lishi kerak.

2. Sochlar ro'mol ostiga olingan bo'lishi lozim.

3. Mashinaning harakatlanuvchi qismiga juda yaqin egilish taqiqlanadi.

4. Mashinada tikishdan oldin, gazlamada to'g'nog'ich yoki igna yo'qligiga ishonch hosil qilish.

Dazmol bilan ishlaganda:

1. Elektr tarmog'iga ulangan dazmolni qarovsiz qoldirmaslik.

2. Dazmolni elektr tarmog'iga ulash yoki uzishda qo'lining quruq bo'lishi.

3. Dazmolning me'yorida ishlashini nazorat qilish, nosozlik to'g'risida o'qituvchiga xabar berish.

4. Dazmolni issiqqa bardoshli asbest, marmar yoki sopoldan tayyorlangan taglikka qo'yish.

5. Dazmol dazmollovchi tagligi elektr shnuriga tegmasligini nazorat qilish.

6. Dazmolni tarmoqdan har doim faqat vilkasidan tutgan holda uzish.

7. Beton polli xonalarda dazmolash chog'ida albatta rezina taglikda turish.

8. Elektr rozetkalarini suv, gaz yoki kanalizatsiya tarmoqlari, shuningdek, radiatorlar yaqiniga bevosita o'rnatish mumkin emas.

Maxsus maktablar hayotidan

СОЙ ЁҚАСИДАГИ МАСКАН

Косонсой туманидаги 45-кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати туманга номи берилган сойнинг шундоқгина ёқасида жойлашган. Интернат 230 ўринга мўлжалланган бўлиб, 23 та синф хонаси, 200 ўринли фаоллар зали, спорт зали, физика, биология лабораторияси, ўғил болаларни ҳаётга тайёрлаш, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш хоналари, тикувчилик ишлаб чиқариш, шолча тўқиш, ёғочга ишлов бериш устахоналари, 2 та кутубхона, янги ҳаммом, 230 ўринли ошхона, ётоқхоналар мавжуд. Бугун бу ерда 226 нафар қалби меҳрга ташна ўқувчилар 67 нафар ўқитувчи ва мураббийлардан илм-фан ҳамда ҳаёт сирларини ўрганишмоқда.

— Ўқувчиларимиз 3 тоифага яъни, заиф кўрувчи, кўзи ожиз ва руҳий касал болаларга бўлинган. Улар билан ишлаш осон эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир синфда 7 нафардан 15 нафаргача ўқувчи бўлади. Ўқувчилар сони 7 кишидан ошса, битта синф очиш мумкин, — дейди мактаб-интернат директори Назира Носирова.

Асосий фанлардан аввал барча ўқувчиларга «Атроф-муҳитга йўналтириш» ва «Мўлжал олиш» дарслари ўтилиб, улар ўз-ўзини бошқариш, ҳаракатланишга ўргатилади. Сўнгра заиф кўрувчи болалар соғлом болалар учун мўлжалланган дастурга мувофиқ ўқитилади. Фақат уларнинг соғлиги инobatта олиниб, шуғулланиш учун дарс соатлари кўпроқ ажратилган. Қолган икки тоифа ўқувчилар эса, брайлча ёзув ва дастур асосида билим олишади.

Кутубхоналар сонининг 2 талиги ҳам шундаки, бирида 3111 дона лотин ва кирилл ёзувидаги китоблар бўлса, иккинчисида брайл ёзувидаги 2304 та дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бадиий адабиётлар жамланган. Бундан ташқари кутубхонада 20 номдаги марказий ва маҳаллий

матбуот нашрларини ҳамда республика кўзи ожизлар жамиятининг «Бир сафда» журналининг мутлоа қилиш имконияти мавжуд. Янги ўқув йили арафасида кутубхона яна 939 донга 1.434.600 сўмлик биринчи тоифадаги, 760 та 4.466.400 сўмлик брайлча дарслик ва бадиий адабиётлар билан таъминланди.

Жорий йилнинг баҳорида эса, бу ерга ташриф буюрган Буюк британиялик эр-хотин Адриэн ва Жанет Стандарт 10 донга брайлча ёзув машинасини интернатга тўхфа этишибди.

ҳамда ота-онасининг розилигини олган ўқувчиларгина иштирок этадилар.

Гуруҳ машғулотида интернатнинг 50 нафар ўқувчиси доира, гижжак, най, қашқар рубоби, баян, фортепиано, квартет каби мусиқа асбоблари ва йўналишлари бўйича сабоқ оладиган мусиқа бўлимнинг «Ниҳол» бадиий ҳаваскорлик дастаси бор.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Махсус мактаб-интернатнинг барча ўқувчилари ҳар йили икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Қолаверса,

МУРУВВАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Бу борада энг аввало давлатимизнинг муассаса ўқувчиларига кўрсатаётган меҳру мурувватини тилга олиш лозим. Ўқувчилар 4 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланган. Юртобшимази томонидан 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ, «Наманганёғ-экстракт» акциядорлик жамияти, туман ҳокимлигининг қарорига биноан, «Косонсой Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси ин-

Тоҳиряхон Мўйдинова, Косонсой тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари Шавкатжон Қамбаров, 4-мактаб директори Абдурауф Аҳаджонов, 33-мактаб директори Нўмонжон Қосимовлар ҳам шахсий маблағлари ҳисобидан худди шундай нафақа ажратишларини билдириб, опадан лозим топган ўқувчилари рўйхатини сўраб олишди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Ўқув йили якунланди дегунча ҳар бир таълим муассасасида таъмирлаш ишлари бажарилиб, янги ўқув йили, кузги-қишки мавсумга ҳозирлик кўрилади бошланади.

Мазкур махсус мактаб-интернатда ҳам шундай бўлди. Дастлаб 1160 метрлик иситиш қувурлари «Энергометалтранс» қўшма корхонаси томонидан юқори босим остида ювилди. Олиниши лозим бўлган 135,7 тонна кўмирнинг асосий қисми бугунгача келтириб қўйилди. Барча синф хоналари, спорт зали, ётоқхона, ошхона, фаоллар зали жорий таъмирлашдан чиқарилди. Қурилиши тугалланмаган ҳаммом битказилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Вилоят ХТБ томонидан 45 та парта, 90 та стул келтирилди.

Дарвоқе, мактаб-интернатда бюджетдан ташқари маблағ топиш масаласи ҳам намунали ҳал этилган. Муассасанинг 2 гектарлик боғи бор. Бу йил ундан 1,5 тонна олма олиниб, мевали дарахтлар остида 1 тонна пиёз етиштирилди. Шу билан бирга 5 бош қорамол, 4 бош қўй ҳам боқилди.

Бир сўз билан айтганда, интернат тарбияланувчилари камолоти йўлида кўлидан, тилидан, қалбидан меҳр-саховат, хуш калом аримайдиған инсонлар меҳнат қилишяпти. Муассасадан шундай хулоса билан қайтдик.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

КЎЗИ ОЖИЗ ЎҚУВЧИ

унда ҳам иқтидор, қобилият бор

СИНФДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Мактаб-интернат ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида зерикши нималигини билишмайди. Ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадига ташкил этилган ёғочга ишлов бериш, тикувчилик ишлаб чиқариш, шолча тўқиш устахоналари ва ўғил ва қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, хоналарида қизиқарли машғулотлар олиб борилади. Масалан, шолча тўқиш цехида 6 та калава ўраш, 10 та шолча тўқиш дастгоҳлари бор. Икки томонлама тузилган шартномага мувофиқ, «Ободтекс» қўшма корхонаси янги йил арафасида 30 нафар ўқувчига шолча тўқишни ўргата бошлади ва бир пайтда уларга ойлик маош ҳам тайинлайди. Фақат бунда туман кўзи ожизлар жамияти

уларнинг соғлиги 2 нафар шифокор, ҳамшира ва тунги тиббиёт ходимининг доимий назоратида. Сўнгги 7 йил давомида 39 нафар ўқувчилар «Ўзбекистондаги ногирон болаларга ёрдам беринг!» хайрия ташкилоти — «MERCY-PROJECT» («Меҳр-мурувват лойиҳаси) томонидан жарроҳлик йўли билан даволанди. Жарроҳлик операцияларининг барчасини британиялик офтольмолог, профессор Нийл Поджерс Тошкент давлат тиббиёт-педиатрия инстиутида амалга оширди. Ноябрь ойида яна 7 нафар ўқувчини шу усулда даволаш режалаштирилган. Мавжуд спорт зали ва майдончаларида олиб борилаётган шахмат-шашка, волейбол, гимнастика, баскетбол тўғрақлари ҳам ўқувчиларни соғломлаштиришга қаратилган.

тернатга ҳомий сифатида бириктирилди. Шу йилнинг дастлабки 5 ойи давомида интернатга «Наманганёғ-экстракт» АЖ 5.850.000 сўм, «Косонсой-Текмен» 129.600 сўм, вилоят ХТБ 4.434.000 сўм, туман ҳокимлиги 1 донга «Pentium-II» компьютери, Наманган ўқув ишлаб чиқариш корхонаси 442.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди. Мактаб-интернатга кўмак бераётган яна бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари борки, улар соғлиғида нуқсон билан болаларнинг меҳрларини қозонишмоқда.

Интернатнинг жонкуяр раҳбари Назира Носирова ўз ҳисобидан уч нафар чин етим ўқувчиларнинг ҳар бирига 2 минг сўмдан ойлик нафақа тайинлади. Бу ташаббус тез орада қулоч ёзиб, «Дилафрўз» номидаги 21-МТМ мудираси Гулбахор Ҳақимова, туман ҳокимининг ўринбосари

Янгиобод тумани Жиззах вилоятининг энг чекка туманларидан бири. У вилоят марказидан 120 км. узоқликда жойлашган. Худуди қир-адирлардан иборат туман аҳолиси, асосан ғалла ва чорвачилик билан машғул. Қишлоқ ёшлари ҳам бу ишда ота-онасига кўмақдош, елкадош. Лекин улар ҳар қандай шароитда ҳам ўқишга имкон топишади. Чунки билим келажакнинг калити эканлигини яхши билишади. Қалби илмга чанқоқ ёшларнинг келажакка умид ва ишонч катта.

— Ўқитувчилик — фидоий инсонлар касби, — дейди Янгиобод туман халқ таълими бўлими мудирини Яхшибой Холбеков. — Туманимиз вилоятнинг энг чекка худудида жойлашганлиги боис бизда четдан келиб, ишлайдиган ўқитувчилар йўқ. Ўқитувчилик — қишлоқ шароитидаги энг шарафли ва обрўли касб. Лекин бундай шарафга муносиб бўлиш осон эмас. Туманимиздаги 18 та мактабда фаолият кўрсатаётган 478 нафар ўқитувчининг зиммасига катта масъулият юкланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, устоз-мураббийларнинг барчаси маҳаллий кадрлар. Сафимизга қўшилаётган ёшлар ҳам йил сайин кўпаймоқда. Шу боис ўқитувчилар орасида чин маънода ижодий беллашувлар мавжуд. Дарс ўтиш, машғулоти олиб боришда янгиликка интилмаган, ноанъанавий усуллардан етарли фойдаланмаган ўқитувчи ора-мизда кўзга ташланмайди. Демак, устозлар ёмон ишлашмаяпти.

«БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ — УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ПОЙДЕВОРИ»

12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Фармонкул Норматовнинг фикри бу. Дарҳақиқат, у меҳнат қилаётган 12-мактабда бошланғич таълимга эътибор катта. Чунки, боланинг келгусида, юқори синфда фанларни ўзлаштириш имконияти ва салоҳияти бошланғич таълимда яратилади. Зеро, пойдевори мустаҳкам иморат узоқ умр кўради. Шу боис мактабда ўзи касбининг жонкуяри бўлган устозлар кўп. Шулардан бири бошланғич синф ўқитувчиси Гулбахор Жўраевдир.

Гулбахорнинг ҳар бир дарси кичик бир саҳна асарига ўхшайди. У машғулотларга кичик кўринишда бўлса-да, бирор янгилик киритишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ўқувчилар дарсда зерикшмайди. Гулбахорнинг тажрибасини бошқа мактаб ўқитувчилари ҳам ўрганишяпти. Гулбахор Жўраевнинг «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови вилоят босқичида «Маҳоратли муаллима» номига сазовор бўлиши ҳам тасодифий эмаслиғига амин бўлди.

КЎШИМЧА САРМОЯ — КОНИ ФОЙДА

12-мактаб тумандаги кўзга кўринган ўқув масканларидан бири.

— Мактабимиз биология-география йўналиши бўйича захира ўқув маскани ҳисобланади, — дейди директор Ўқтам Норматов. — Ўқувчиларимиз ҳар йили фан олимпиадаларида яхши иштирок этишади. Бу йилги ту-

КЕЛАЖАККА ЎНТИЛГАН ЁШЛАР

ман миқёсидаги фан олимпиадасида 8 нафар ўқувчимиз 1-ўринни олди. Вилоят олимпиадасида 2 ўқувчимиз 3-ўринни қўлга киритди. Мактабимизда хорижий тиллар, хусусан, француз тилини ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Француз тили ўқитувчиларимиз Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Элчихона мактабимизга турли методик қўлланмалар, дарслик, техник жиҳозлардан ёрдам бермоқда.

Мактабда таълим-тарбия яхши йўлга қўйилиши билан бир қаторда, қўшимча сармоя топишга ҳам эътибор берилади. Мактабнинг 0,5 гектар боғидан дурустгина даромад олинмоқда. Мевали дарахт ҳосилидан, ўрик, олма, шафтоли данагини сотишдан ўтган йили 50 минг сўм фойда олинди. Шунингдек, металл топшириш, ижара хизматидан ҳам қўшимча даромад олинапти. Хоҳловчилар учун инглиз тилидан пуллик тўғрак очилган. Қўшимча

2004-yil — Mehr va muruvvat yili

сармоядан тушган маблағ мактабни таъмирлаш, кам таъминланган оила фарзандларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфланапти.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АМАЛДА

Жамиятимиздаги барча бунёдкорлик ишларини амалга оширувчи куч — инсон. Шунинг учун ҳар бир фуқаронинг саломатлигини муҳофаза қилиш, дам олиш ва ишлаши учун етарли шароит яратиб бериш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш — долзарб вазифадир. Бу борада туманда ибратли ишлар қилинмоқда. Ўтган йили таълим тизимида ишлаётган 13 нафар ходимга дам олиш ва даволаниш учун санаторийларга имтиёзли йўлланма берилди. Наврўз байрамида 8 нафар ишчи-хизматчи моддий ёрдам кўрсатилиб, совға-саломлар улашилди. Шунингдек, ногирон ва бемор ишчи-хизматчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмак берилаяпти. Мактаб ўқувчилари ҳам бундай гамжўрлик ва эътибордан четда қолган эмас. Кам таъминланган оила фарзандларига 6,8 млн. сўмлик иссиқ кийим-бош берилди.

ТАДБИРКОРЛАР САХОВАТИ

Таълимга ҳомийлик қилиш ва уни қўллаб-қувватлаш бугун барчанинг шарафли бурчи. Ана шу хайрли ишда тадбиркор ва фермерлар ўрнатилган кўрсатишмоқда. Тадбиркор Эшонкул Исоқов Наминган қишлоғидаги 10-мактаб ўқувчиларидан 80 нафарига ҳар йили қимматли совғалар топширади. Яна бир тадбиркор — Баҳром Маҳмудов эса, мактабнинг 2 нафар аълочи ўқувчисига ҳар ойда шахсий жамғармасидан 10 минг сўмдан стипендия ажратаётди.

Янгиободлик халқ таълими ходимлари ўқувчиларга давр талаби даражасида таълим-тарбия бериш учун тинмай меҳнат қилмоқда, изланмоқда. Улар барча куч ва маҳоратларини «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишга қаратишган. Унинг самарасини эса вақт кўрсатади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

UQTIRISH XATI

"Iqtisodiyot va biznes asoslari" fani bo'yicha ushbu o'quv dasturi O'zbekiston Respublikasida ta'lim islohotlari natijasida tarkib topayotgan umumiy o'rta ta'lim maktablarining 11-sinfi uchun mo'ljallangan. Mazkur dastur umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-9-sinflarida davlat ta'lim standartlari va 10-sinf o'tish dasturi asosida olgan bilimlarni chuqurlashtirish va davom ettirishni nazarda tutgan holda tuzilgan.

"Iqtisodiy bilim asoslari" fani bo'yicha davlat ta'lim standarti va yangi o'quv

IQTISODIYOT VA BIZNES ASOSLARI

dasturini ishlab chiqishda, 9 yillik umumiy o'rta ta'lim tizimiga o'tish munosabati bilan amaldagi 10-11-sinflar uchun "Iqtisodiyot va biznes asoslari" dasturidagi ayrim mavzular umumiy o'rta ta'lim nihoyasida o'quvchilar egallashi lozim bo'lgan

iqtisodiy bilim, ko'nikma va malakalarning minimal darajasi e'tiborga olingan holda, 8-9-sinflar o'quv dasturi tarkibiga kiritilgan.

Jumladan, "Ehtiyoj va resurslar", "Iqtisodiyotda pul", "Bozor tushunchasi va uning turlari", "Raqobat", "Talab va

taklif", "Bozor iqtisodiyoti mohiyati" va "Mulk va xususiyashtirish" mavzulari 8-sinfda, "Biznes va tadbirkorlik", "Menejment", "Marketing", "Iqtisodiyotga davlatning ta'siri" boblari 9-sinfda o'rganiladi.

Yuqoridagilarni e'tiborga olgan holda, 11-sinf dasturiga 8-9 va 10-sinflarda soddalashtirib, qisqartirib berilgan yoki o'rganilmagan ayrim mavzular o'quvchilar yoshiga mos ravishda kiritilgan. Dasturda har bir bobdagi nazariy va amaliy mashg'ulotlarga ajratilgan dars soatlari keltirilgan.

11-sinf MAKROIQTISODIYOT ASOSLARI

№	Mavzu nomlari	Yillik yuklama soatlar — 34 soat	
		Nazariy mashg'ulot	Amaliy mashg'ulot.
		21	13
1.	Mamlakatning asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari. Makroiqtisodiyot. Yalpi milliy mahsulot (YaMM). Yalpi ichki mahsulot (YaIM). Boshqa makroiqtisodiy ko'rsatkichlar. O'zbekistonning asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari.	2	1
2.	Soliqlar va byudjet. Davlat daromadlari. To'g'ri soliqlar. Bilvosita soliqlar. Soliq stavkalarining o'zgarish darajasi. Laffer egri chizig'i. Nobyudjet jamg'armalar. Byudjet.	2	1
3.	Farovonlik va iqtisodiy yuksalish. Ijtimoiy farovonlikning eng asosiy shartlari. Iqtisodiy yuksalish. Iqtisodiy yuksalish omillari. Iqtisodiy yuksalish mexanizmi. Iqtisodiy yuksalish sur'ati. Iqtisodiy yuksalish va ekologiya.	2	1
4.	Iqtisodiy davr. Iqtisodiy davrning birinchi bosqichi — o'sish. Inqiroz. Iqtisodiy pasayish va depressiya. Jonlanish. Iqtisodiy yuksalish davriyligi, muqarrarlari.	2	1
5.	Mehnat bozori. Mehnat bozoridagi taklif, talab va narx. Mehnat bozorining xususiyatlari. Ishsizlik. Kasaba uyushmalari.	1	1

6.	Pul massasi. Inflyatsiya. Giperinflyatsiya, stagflyatsiya, deflyatsiya. Inflyatsiya sabablari.	2	1
7.	Davlatning makroiqtisodiy siyosati. Davlatning fiskal siyosati. Davlat byudjetining manbalari. Monetar siyosat.	2	1
8.	Xalqaro mehnat taqsimoti. Tashqi savdo. Xalqaro mehnat taqsimoti. Eksport va import. Qiyosiy afzalliklar tamoyili. Erkin savdo va proteksionizm. O'zbekiston jahon bozorida.	2	1
9.	Investitsiyalar xalqaro bozori. Kapital eksporti. To'g'ri chet el investitsiyalari. Transmilliy korporatsiya (TMK)lar. To'g'ri chet el investitsiyalari bilan bog'liq bo'lgan muammolar. Chet el investitsiyalarining O'zbekistonga oqib kelishi.	2	1
10.	Valyuta kurslari. Valyuta bozorining zarurligi. Valyuta kursining belgilanishi. Davlatning valyuta kursini belgilashga aralashuvi.	1	1
11.	Xalqaro iqtisodiy hamkorlik va integratsiya. Regional iqtisodiy integratsiya. Regional integratsion guruhlar. Mustaqil davlatlar hamdo'stligi (MDH) muammolari. Xalqaro iqtisodiy tashkilot (XIT)lar.	1	1
12.	Iqtisodiyotning o'tish davri muammolari. Iqtisodiyotning hozirgi o'tish davrini muqarrar qilib qo'ygan davr — qayta qurish. Sobiq Ittifoq hududida narxlarning liberallashtirilishining natijalari. Xususiyashtirish. Bozor iqtisodiyoti institutlarining barpo etilishi. Iqtisodiyotning o'tish davridagi makroiqtisodiy noxushliklari.	1	1
	11-sinf bo'yicha yakuniy dars:	1	1

UQTIRISH XATI

"Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" fanining ta'lim tizimiga joriy etilishi mamlakatimiz ma'naviy hayotida muhim voqea bo'ldi. Fanning vazifasi Prezident Islom Karimov tomonidan asoslab berilgan g'oya — yurtimizda ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etishga xizmat qiladigan yaxlit va izchil ta'limotni yoshlarimiz qalbi va ongiga singdirishdan iboratdir.

Mazkur fan milliy istiqlol g'oyasining asosiy tushuncha va tamoyillari, uning tarixiy negizlari, ilmiy, falsafiy, dunyoviy ildizlari, o'ziga xos namoyon bo'lish qonuniyatlari va xususiyatlari to'g'risida bilim beradi.

"Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" fanining o'qitilishini to'g'ri tashkil qilish va bu borada ta'lim-tarbiyaning an'anaviy hamda zamonaviy usullaridan to'g'ri foydalanish muhim ahamiyatga egadir. Shuningdek, o'quvchilarning bilim samaradorligini yanada oshirish uchun quyidagi asosiy talablarga amal qilish maqsadga muvofiqdir:

— yoshlar ongida g'oyalar haqida to'liq tasavvurni shakllantirish, ularga o'z ma'no-mohiyatiga ko'ra g'oyalarning bunyodkor yoki vayronkor bo'lishi haqida to'g'ri bilimlar berish;

— milliy istiqlol g'oyasining insonparvarlik mohiyatini

MILLIY ISTIQLOL G'OYASI: ASOSIY TUSHUNCHA VA TAMOYILLAR

ko'rsatish asosida mustaqillikning muqaddas qadriyat ekanligi, uni asrab-avaylash har bir kishining muqaddas burchi ekanligini o'quvchilarning qalbi va ongiga singdirish;

— yoshlar orasida millatchilikning har qanday ko'rinishlari paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaslik, ta'lim-tarbiya jarayonida umuminsoniylikning ustuvorligi tamoyillariga og'ishmay amal qilishga alohida e'tibor berish;

— dars rejalarini tuzish va mashg'ulotlarni olib borishda pedagogik-psixologik me'yorlarga jiddiy ahamiyat berish, bunda o'quvchilarning yoshi, tafakkuri, dunyoqarashi va qiziqishlarini hisobga olish;

— ayrim tushunchalarni soddalashtirgan holda tushuntirish, ta'limning eskicha uslublarini qo'llash natijasida fanning qadrsizlanishiga yo'l qo'ymaslik;

— ta'lim-tarbiyaning ilg'or, ta'sirchan vositalaridan, zamonaviy o'qitish texnologiyasi imkoniyatlaridan keng foydalanish;

— ta'lim jarayonida tazyiq

o'tkazmasdan, ma'rifiy asosda ish tutish, yoshlarning mustaqil va erkin fikrlashi, bahs-munozara yuritish ko'nikmalarini oshirishga e'tibor qaratish;

— o'qituvchi va o'quvchilar

o'rtasida o'zaro ishonch va hamfikrlik muhitini shakllantirish, mavzularni sharhlashda hayotiy va ta'sirchan misollar, bugungi voqealar tahlili va matbuot materiallaridan keng foydalanish;

— mazkur fanni o'qitish jarayonini muttasil kuzatish, tahlil qilish orqali uni ilg'or texnologiyalar, metodik tavsiya va usullar asosida takomillashtirib borish.

11-sinfda "Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" kursini o'quv rejada ko'zda tutilgan maktab ixtiyoridagi yoki iqtisod qilingan soatlar hisobidan haftada 1 soatdan jami 17 soat o'qitish belgilandi.

11-sinf

№	Mavzular	Nazariy mashg'ulotlar	Amaliy mashg'ulotlar	Jami soatlar
I. Milliy istiqlol mafkurasi va uning asosiy tamoyillari				
1	Milliy istiqlol mafkurasining mohiyati va mazmuni	1	1	2
2	Milliy istiqlol mafkurasining asosiy tamoyillari	2	1	3
3	Istiqlol mafkurasining bosh g'oyasi va asosiy g'oyalari	2	2	4
4	Milliy istiqlol mafkurasining maqsad va vazifalari	1	1	2
II. G'oyaviy tarbiya va mafkuraviy immunitet				
1	Yoshlarning g'oyaviy dunyoqarashi va ma'naviy fazilatlarini	2	1	3
2	Komil insonni voyaga yetkazishda mafkuraviy tarbiya omillarining ahamiyati	1	2	3
	Jami:	9	8	17

INSON VA JAMIYAT TUSHUNTIRISH XATI

O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi tizimida "Inson va jamiyat" kursi ijtimoiy-gumanitar yo'nalishdagi fanlarning asosiy xulosalarini o'zida ifodalovchi yakuniy o'quv predmeti hisoblanadi. Shunga ko'ra, bu predmet integrativ xususiyatga ega. Mazkur kurs muammolarini

yechishda o'quvchilar o'qigan barcha ijtimoiy va tabiiy fanlardan olgan bilimlariga suyangan holda mustaqil xulosalar chiqarishga harakat qiladilar. Insoniy munosabatlarning murakkab

dunyosini har gal yangidan "kashf qiladilar". Dars mobaynida ba'zi o'quvchilarda ko'pchilikka mos kelmaydigan fikrlar hosil bo'lishi

mumkin, bu tabiiy holat. Kursning maqsadi bir xil fikrlaydigan kishilarni "qolipdan chiqarish" emas, balki, ta'kidlab o'tilganidek, ularga mustaqil fikrlash ko'nikmalarini singdirishdir. Shu ma'noda mazkur kursni o'rganish paytida iloji boricha har bir darsni bahs-munozara usulida o'tkazish maqsadga muvofiqdir.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining XI sinfida "Inson va jamiyat" predmeti mavzularining TAQSIMOTI (34 soat)			RESPUBLIKA TA'LIM MARKAZI		
Mavzular	Mavzular nomi	Soat			
1-mavzu	"Inson va jamiyat" kursining mazmuni, vazifalari va boshqa fanlar orasida tutgan o'rni	1	6-mavzu	Yevropada inson va jamiyatning mohiyati to'g'risidagi g'oyalar	2
2-mavzu	Inson — bioijtimoiy mavjudot	1	7-mavzu	Hozirgi zamon jamiyatshunosligi	1
3-mavzu	Insonning vujudga kelishi va kamoloti haqidagi konseptsiyalar	2	3-bahs darsi	Himoyaga muhtojlarga munosabat: o'tmish va hozirgi zamon	1
4-mavzu	Qadimgi dunyoda inson va jamiyat haqidagi qarashlar	2	8-mavzu	Jamiyatning ijtimoiy tuzilishi. Ijtimoiy adolat va barqarorlik — O'zbekistondagi ijtimoiy o'zgarishlarning bosh maqsadi	2
1-bahs darsi	Qochoqlar va ko'chirilganlarning holati — turli davrlarning dolzarb muammosi	1	4-bahs darsi	Bolalar jamiyatning ijtimoiy strukturasi	1
5-mavzu	Markaziy Osiyo mutafakkirlarining inson va jamiyat haqidagi ta'limotlari	2	9-mavzu	Jamiyatning siyosiy va huquqiy tizimi. O'zbekistonda huquqiy demokratik jamiyat qurilishining asosiy yo'nalishlari	2
2-bahs darsi	Shaxsning qadr-qimmati va erkinligi	1	5-bahs darsi	Insonparvarlik va shafqatsizlik — insoniy munosabatlarning ikki tomoni	1
			10-mavzu	Inson va jamiyatning ma'naviy hayoti.	

«ЕТАКЧИ БЎЛИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛ»

Буюк Британиянинг Сандхёрст Қироллик ҳарбий академиясининг шиори ана шундай мазмун касб этади. Академиянинг энг яхши хорижлик тингловчиси деб тан олинган Ўзбекистон Қироллик кучлари катта лейтенанти Пўлатжон Сотволдиев ушбу сўзларга қатъий риоя қилади.

Буюк Британиянинг қуролли кучлар учун мутахассислар тайёрлайдиган энг нуфузли ўқув юрти ҳисобланадиган Сандхёрст Қироллик академияси бундан қарийб 300 йил муқаддам ташкил топган. Мамакатнинг кўплаб юқори лавозимли ҳарбийлари, қатор хориж давлатларининг етакчи ҳарбий мутахассислари ўз вақтида ушбу академияни битиришган. Билим юртининг нуфузи ҳақида қуйидаги мисол ҳам далолат бериб турибди: бу ерга қиролича

оиласининг рухсати билан тахт вориси, шаҳзода Чарльзнинг ўғли — Уильям ўқишга киришни режалаштирмоқда.

Сандхёрстга танлов кенг кўламдаги академик ва ҳарбий билимлардан тuzилган мураккаб тест синовлари асосида ўтказилади ва бунда номзоднинг жисмоний тайёргарлигига ҳам катта эътибор берилади.

Пўлатжон Сотволдиев ўтган йилнинг октябр ойида Беконсфильд шаҳрида тил тайёргарлиги курсларини муваффақиятли якунлаганидан сўнг академияга қабул қилинди ва у МДХ давлатларидан ягона вакил бўлди.

Уч ўқув семестри якунлари бўйича П.Сотволдиев академик билимлар, ҳарбий иш, жанг олиб бориш тактикаси, қўмондонлик тажрибаси, жамоатчилик билан алоқалар ва жисмоний

тайёргарлик каби барча фанлар бўйича энг юқори балларни тўплади.

Қиролича Елизавета II-нинг ўғли, шаҳзода Эдвард битирувчилар ҳарбий намоишида ҳамюртимизга Буюк Британия Қироллик ҳарбий академиясининг олиёмукофоти — "Ифтихор шамшири"ни ("Меч чести") топширди. Анъанага кўра, ҳар йили фақат иккита ана шундай мукофот — биттаси маҳаллий ва иккинчиси хорижлик мутахассисга топширилади.

Сандхёрст битирувчилари шарафига ўтказилган тантанали қабул маросимида академия бошлиғи, генерал-майор Ритчи ўзбек офицери муваффақиятини алоҳида қайд этди, шаҳзода Эдвард эса Пўлатжонни олиёмукофот билан яна бир марта кутлади.

«Жаҳон» АА

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида партия етакчилари билан учрашувлар давом этмоқда. Бу гал "Парламент журналистлари клуби" аъзолари Миллий тикланиш демократик партияси марказий кенгашининг раиси Иброҳим Фафуров билан учрашдилар.

Бўлиб ўтган давра

ни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш, миллий бирлигимизни таъминлашга ҳисса қўшиш, ҳар жиҳатдан етук замон кишини тарбиялашдан иборат. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларида бу борада чиқишлар қилаямиз. Қувонарлиси, бунда партияга аъзо аёллар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида партиялар фаолиятини ёритиш-

МИЛЛИЙ БИРЛИК

у бу галги давра суҳбатининг асосини ташкил этди

суҳбата И.Фафуров сайловларда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти, Миллий тикланиш демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси, уларнинг мақсад-вазифалари ҳақида гапирди.

— Сиёсий партиялар — давлатнинг катта бир сиёсий мулки, — деди у. — Бизнинг партия-мизнинг асосий дастурий мақсади миллий қадриятларимиз-

да журналларнинг ўрни ҳақида ҳам гапириб ўтилди.

Аҳоли сиёсий онгининг ўсаятганлиги алоҳида таъкидланди.

"Парламент журналистлари клуби" аъзолари партия раисига бир неча саволлар билан мурожаат этишди. Баҳс-мунозараларга ҳам ўрин берилди. Ўтказилган давра суҳбати ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Бехзод ФАЗЛИДИН

ГИЁҲВАНДЛИК: БМТнинг ОХИРГИ ҲИСОБОТИ

Ханиф бизга ўзининг бемаъно ва совуқ кўзлари билан боқиб турар эди. У даволанмоққа қасд қилди. Аммо гиёҳвандлик балосидан сақланаётган кунларда ўзини ниҳоятда ёмон ҳис қиляпти, танасини титроқ босиб, суяклари зирқираб огримоқда. Сурункали кўнгли озиб, тез-тез қайтди қилиб, лоҳас бўлмоқда. Бир совиб, бир исиб кетяпти, бироқ у ҳали ўз исмини ёдида тутиб турибди.

Ханифнинг кўплаб дўстлари гиёҳванд. Лекин уларнинг ичида фақат угина даволаниш ва шу даҳшатли дарддан халос бўлиш учун охириги куч ва бардошини бир жойга тўплади. Устига-устак Ханифнинг онаси тиббиёт ходимаси. Европанинг ривожланган давлатларидан бирида ишлайди ва ўз фарзандининг даволанишига маблағ юборган. Ханиф даволанаётган шифохона ходимлари гиёҳвандликдан халос бўлишнинг бирдан-бир йўли фақатгина йигитчининг ўзи, унинг иродасига, ўз ҳаётини давом эттиришга бўлган иштиёқига боғлиқ, дея таъкидлашмоқда. Уни қандайдир жиддий иш билан банд этиш, унга ҳаётга келишдан, дунёда гиёҳвандлик, ичкилик-бозлик, фоҳишабозликдан бошқа буюк мақсадлар борлигини тушунтириш зарурдир.

2004 йил ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 185 миллион гиёҳванд мавжуд бўлиб, уларнинг

асосий қисмида даволанишга ҳеч қандай маблағ ва имконият йўқ. Ҳаммадан ажабланирлиси ва одамни даҳшатга соладигани шуки, гиёҳвандларга гиёҳ керак бўлиб қолса, улар робот машиналарига айланиб қолишади. Бир грамм героин учун ҳамма нарсага тайёр бўлиб, ҳаттоки ўз яқинларининг жонига қасд қилишдан ҳам тоймайди. Ўртача ҳисоб-китобларга қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда Ер юзиде 141 млн. киши марихуана ва гашиш истеъмол қилади. Бу эса дунё аҳолисининг 2,4 фоизини ташкил қилади.

Баъзи мамлакатларда мактаб ўқувчиларининг 37 фоизи наша чекади. БМТнинг сўнгги маълумотларига қараганда, дунёда истиқомат қиладиган аҳолининг 13 миллиони кокаин моддасини истеъмол қилар экан. Айниқса, АҚШда кокаин қабул қилувчилар сони кўпчиликни ташкил этади.

Дунё миқёсида гиёҳванд модда ишлаб чиқаришнинг 75 фоизи Афғонистонга тўғри келади. Қолган 25 фоизи Колумбияда етиштирилади. Бир йилда умумий 317.926 тонна гиёҳ-

ванд модда ишлаб чиқилади. Ушбу плантациялар, яъни экиш майдонлари 183 минг гектар майдонга ёйилиб кетган. Бу далллар сунъий йўлдошлар орқали олинган фотосуратлардан маълум бўлиб келмоқда. Наркобаронлар гиёҳванд моддаларни экиш, ишлаб чиқариш, сотиш орқали миллиардлаб долларга эга бўлишади. Ҳозирги кунда бундай моддаларни сотиш йилига ўртача 400 миллион доллар даромад келтириб, қурол-яроғ сотишдан ҳам манфаатлироқдир.

Энг ачинарлиси шуки, ОИТС касаллигига дучор бўлганларнинг 90 фоизи инъекцион гиёҳвандлардир. Кўп ҳолларда жуфтликлар ичида эр ёки хотин бир-бирларининг гиёҳванд эканликларини сезмайди, балки сезса-да, ушбу йўлдан қайтаришмайди. Уларнинг орасида ОИТС касали тарқалиб, турғилаётган фарзандларга ўтади. Бегуноҳ гўдаклар шу инфекциядан қийналиб, дунёдан кўз юмишади.

Яқин кунларда БМТ гиёҳвандлик билан курашиш кўмитаси Ер юзиде бу борада бирмунча ижобий ўзгаришлар

бўлганини ўзининг уч томлик ҳисоботида маълум қилди. Маълумотлар 2004 йилни қамраб олиб, охириги рақамларни тақдим этади. Маърузада гиёҳванд моддалар бозори, кўп йиллик таҳлиллар, тўлиқ статистик маълумотлар, ишлаб чиқариш, савдо, ҳаддан ташқари кўп истеъмол қиладиган давлатлар рўйхати қайд этилган. 2004 йилнинг биринчи ярми бўйича ҳисоб-китобларга қараганда, Ер юзиде умумдунё аҳолиси сонининг 3 фоизи ҳар хил турдаги гиёҳванд моддалардан фойдаланади. Бу кўрсаткич 1999—2002 йиллар кўрсаткичидан бироз кўпроқ, аммо жаҳонда етиштириладиган гиёҳванд моддалар билан курашиш учун ажратиладиган маблағ сони бир неча баравар ошган. БМТнинг гиёҳванд моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш кўмитаси дунё мамлакатлари раҳбарларига мурожаат қилиб, аввало, ушбу ажал уруғининг майда тарқатувчилари билан курашиш кераклигини таъкидлаб ўтди. Чунки айни майда тарқатувчилар ёшлар гавжум жойларда ўз қабиҳ ниятларини амалга оширади.

Шу ўринда тамаки чекишни ҳам эътиборга олиш керак. Дунёда 1,3 млрд. аҳоли тамаки маҳсулотлари истеъмол қилади. Бу гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар сонидан 7 баравар кўпдир. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, жаҳонда гиёҳвандлик оқибатида йилига 200 минг киши ҳалок бўлса, тамаки чекиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар оқибатида ҳар йили 4,9 млн. киши ёруғ дунёдан кўз юмади. Марказий Осиёда энг кўп истеъмол қилинадиган гиёҳванд модда — героин кукуни ҳисобланиб, унинг бир марта ишлатиладиган миқдори 1-2 доллардир. Ушбу моддалар тавсирида амалга оширилаётган жиноятлар сони ҳам ниҳоятда ортиб кетмоқда. Героин моддасини инъекцион усулда қабул қилувчилар орасида аёллар ва эркеклар ёшининг даражаси ҳам йилдан-йилга пастлаб кетмоқда. Ҳозирда бу кўрсаткич 14 ёшдан 65 ёшгача бўлган ораликни қамраб олган. Бироқ кураш давом этади. БМТ ва жаҳон ҳамжамияти ушбу йўлда тўхтовсиз кураш олиб боришдан чарчамайди.

«БМТнинг минг йиллик ҳисоботи» асосида Сарвар САЙЁР ўғли тайёрлади.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

VIII БОБ

ЭРКАКНИНГ ЗҮРИ

Отам кириб келди: уй тўлиб қолгандай бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу новча, елкадор, барваста одамнинг боши шифтга етгудек.

Мен у кишига интилдим. Бобой мени бағрига тортиб, кифтимга кетмон пешидек кафтини уриб-уриб қўйди.

— Эсан-оман келдингма, улим? Балли, балли... — Мен отамнинг бағрида одатдагича — ўша Хўжабулғон адирларининг кенглигию хидларини туйиб турарканман, чол каминани қўйвориб, Исматнинг атай тавозе билан узатиб турган қўллари олдиди. — Сен яхши журибсанма, Бурунбой болам? Ҳе, Шукур келмаса, қорангди кўрсатмайсан-а бировинг ҳам!

— Шундай-шундай, бобожон, — деб бўйинни қийшайтирди Исматжон. — Сиз билан нимани гапла-

— Ҳа, энди, келишиб олишса, одобдан бўлади-да. Мисол учун, ёш бала ёши улуг одамдан “Қалайсиз? Журибсизма?” деб сўрайберсам хунук чиқади.

— Ҳа, отажон, сиз сўранг, ёшингиз улуг, — дедим.

— Э, бўйингдан сени... Яшлигингдан кўп ўқир эдинг, кўп ўйлар эдинг. “Бу бача нимани ўйлар экан? Нима гами бор бунинг? Қорни тўқ, усти путун бўлса, нимани ўйлайди бу?” деб ҳайран бўлгич эдим.

— Гап бор экан-да, гап бор экан, бобожон, — деб илова қилди Исмат. — Мениям қон қилар эди товага борганида. Минг чақирай, эшитмас эди баъзан. Нима бало бўлди, Шукуржоннинг қулоғидан олдими? Бу тоза ҳаволарда инсу жинс, деву пари нима қилади, деб ҳайрон қолардим, холажон. — Кулги бўп кетди. Исматга шу керакдек эдики, яна илҳом билан давом этди: — Аммо лекин бу билан гаплашганимдан кейин бадтар ҳайрон бўлардим. Шу денг, ана ундай жойда турган арчани кўрсатиб: “Шунинг орқасида бир қиз кўринди”, дер эди. “Э, қиз бўлиб кўринибди-да”, деб

га-да ботинолмайдиган, аммо ичимда ҳадсиз яхши кўрадиманим бу улкан, меҳрибон зот уйлантиради-да, ахир сарф-харажат қилиб, Тошкентларга бориб. Тагин, аллақандай орзулар билан...

Эҳтимол, Тошкентга ўзи бормас...

Ҳа-ҳа, бу чолни овора қилиш яхшимас: унинг меҳрибонлигини суиистеъмол қилиш бўлади.

Назаримда, Саида билан тўйимиз бўлар бўлса, шунчаки... “Оббо, нималар деяпман? — дея сергак тортидим: — Ахир, олдинда менинг ишларим... кўп: ёзув-чизувларим, ўқув-ўйловларим ҳам сероб. Ҳали ҳаваскор ёзувчиман, холос.”

Аммо шу оннинг ўзидаёқ Саида ҳам мана шу ўйларимнинг рўёбга чиқишига бир елкадош бўладигандек туюлди-ю, домламнинг... уйларида кеннойим ҳазиллашиб айтган гаплар ёдимга тушиб кетди, кейин Матёқуб аканинг “Биз ҳам коньякдан оламыз”, деганлари... Кейин эса, уйланишнинг ижодга кўмаги бўлуви тўғрисида нимадир деганларини эсламоқчи бўлдим, аммо ўшандаги хатти-ҳаракатлари

қолдим-да, бирдан сергак тортиб, тез-тез бош ирғаганимни билмай қолдим; кейин эса... шу оннинг ўзида: “Нималар бўлапти? Нима қилиб қўйдим?” деб ўйладим ва алланечук кўрқа-писа сигарет пачкасини олдим. Аммо сигарет чекишга истихоло қилиб қолганимни сезган отам:

— Чекабер-е, — деди. — Мен айтганим билан чекмай кўясанми? Чекабер... агар пойдаси бўлса. — Кейин энгилгина кулди. — Ҳей, Бурунбой нима бу, дамингиз паст? Қуйинг унингиздан... Ичиб ўтирган экансизлар-ку кирганимда. Нима, мени сезмади, деб ўйладингларми? Хонадан гуп этиб иси келди.

... Ниҳоят, муштарини кўрпачага тираб қўзғала бошлади.

— Мен молларга жем берай... Барна, сигирга сув жилитиб қўйдингма, улим? Янги бўшанган мол... Эҳтият бўлиш керак. Хайруллаям ҳализамон кеп қолади. Сизлар ўтира беринглар, улларим. — Чол тика бўлганидан кейин ҳам бир сония тўхтаб менинг қўзғалишимни кутгандек қараб турди. Кейин: — Ўтир, ўтир, — деди-да, афтидан,

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

— Эна, нималар деяпсиз? — деб сўрайман.

— Калланга кўтир чигиб эди-да. Момонг бечора аччиқданак шафтолининг мағзини туйиб босиб эди, кўтиринг тўкилиб кетди-ю, жойи жилтир бўлиб қолди.

— Кал бўп қолди денг! — деб шангиллади Барно.

— Ундай дема, — деб қўйди Раъно.

Мен Тошкентдаги собиқ ҳамхона, водиллик Солижоннинг бошимдаги ана шу йилтироқ жойларни кўзда тутиб: “Кал” дейишини эсладим-у, илқис бошимни кўтардим.

— Момом уйғондимикан?

— Жўк, жўк. Ҳали бор... Ўзи хабар беради. Бир нимани уриб синдиради ё ҳассаси билан сутумга уради.

— Эс-хуши жойидами ўзи?

— Балодай, — деди Барно. — Эркалик қилади-да.

— Йў-ўқ, баъзан гапдан адашиб кетади, — деди Раъно. — Қайси кун сизди сўради, ака. “Шукуржон кўринмайди?” деди. — У кула-кула

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

шардик. Бойсуннинг молини хуни ноҳақ қилаяпсиз. Ҳар куни ўнлаб сигир, буқаларнинг қонини тўка-сиз... Сиздан кўрқулик-да, бобожон.

— Ҳе, кўрқманг, — деб кулди отам. — Бир сўймаганим — одам. Калхоз раисисан, деб урушдан ҳам обқолишган эди, брон билан. Ким билади, борганимда, беш-ўнта пашистти бўғизларимдим.

— Бас, яхши-яхши гаплардан гапиринглар, — деди отамнинг изидан кирган онам. — Қони, чолжон, тўрага ўтинг. Ўтинг энди.

— Ҳе, сенам қариганингда сийлайдиган бўп қолдинг-да мени. Ис-матжон, сиз тўрланг. Мен шу язувчи улимнинг қошида ўтираман. Ўзи, соғиниб қолдим буниям... Ҳе, ўзимди қўлимда катта бўлди-да. Худойга шукур, шу билан Раънажоннинг изидан ушта парзандли бўлдим. Менга жетади. Армоним жўк... — Биз ҳаммамиз бобой чўққанидан кейин жой-жойимизга ўтирдик. Ис-матжон ҳам тўрага ўтиб, мулладек бўлиб ўтириб олди. — Ҳа, майли. Жигит келса, бало келмас экан. Овмин! Жанги жилларингам мубарак бўлсин. Тўрт кўз тугал бўлиб журайлик.

— Оллоий акибар! — деб юзига фотиҳа тортиди Ис-матжон биринчи бўлиб. Кейин бирдан дастурхонга қўл чўзиб, пашшани ҳайдагандай қилди. — Қани, бобожон, олинг. Меҳнат қилиб, чарчаб келдингиз... Ҳе, қариликнинг гаштиниям болаб сураяпсиз-да!

— Энди сен, Бурунбой, оғир ўтир, — деди отам. — Биз бир ахволлашайлик Шукурбой билан.

— Қани, Шукурвой, сўранг бободан, — деб Ис-мат яна тек турмади.

Барно унга муштумини кўтарган эди, отам кулиб:

— Тўғри айтди Ис-матбой, — деди. — Аслида шундай сўрашиш керак. Нима дединг, кампир?

ёқамни ушлар эдим. Хайрият, ёнида милтиғи бор, қуролдан ҳар қандай палакат қочади.

— Айтмакчи, Шукурбой улим, — деб менга бурилди отам. — Энанг ҳам-ку бир гапти учини чиқариб эди. Бугун куш-кушхонадан қайтиб, ўзимизга тегишли қассобхонада чой ичиб ўтириб эдим. Уканг Хайруллаям ёнимда. Қассобликни ўргана-япти-да... Ундай жойдан Нормат Аъзам ўтиб қолди. Бозорлаб чиққан экан. Унияма ёнида Эркин деган ули. Тўхтаб биз томонга бурилди. Менам ташқарига чиқдим. Сўрашдик.

— Ана, ана шундан гапиринг! — деб бирдан хитоб қилди Ис-мат. — Какраз шу гап керак Шукурга. Тўғрими, Шукуржон?

— Жим ўтиринг.

Бошим эгик-у, сезиб турибман: бобой давра аҳлига зимдан қараб олди-да, бу мавзуда гап бўлгани ва қандайдир хулосага келинганига-да ишонч ҳосил қилдим, айтилиши керак бўлган гапларини бирдан қисқартиб, менга эгилинқираб боқди.

— Шукурбой?.. Бошингди кўтар, улим. Яхши кўришинг айби жўк. Мана, биз ҳам энанг билан шундай... бўлиб турмуш кўрганмиз. Худойга шукур, бир-биримизни тушуниб кетдик. А, кампир? Сен гапга қўшилмай тур. Сизлар ҳам...

— Айтаберинг, ота, — дедим.

— Агар кўнглинг чиндана шў қизга тушган бўлса, очигини айтабер. Бизнинг бир марта оғзимиз куйиб, бўғанимизча бўлдик. Ҳ-е! — Чол мени дафъатан унутгандай қоматини кўтариб олди. Назаримда, ҳеч кимга қарамай, илло қарашдан орланиб гапира бошладики, сўзлари шифтга урилиб қайтаётгандай эди. Менинг бошим ҳамон эгик эди: билмайман — нимага...

Ким мени уйлантирар экан? Демак, мана шу — юзига тик қараш-

кўз олдимга келмагани боис эслолмадим.

Отам бу ёқда меҳмонхонани “забт этган” товушда давом этарди:

— Айбнинг катакани менда, улим. Менинг ўзимда. Мана, энанг бечараниям мажбур қилдим шу ишди қилишга... Жўғасам, худонинг зорини қилди бу. “Қонунгаям, сия-сатгаям тўғри келмайди, отаси”, деб кўп ялинди. Мен... ўрлик қилдим. Нимагаки, улим Шукуржон, — тагин мен томонга энгашиброқ олди, — аканг Тўрабойди кўнгли ўксимасин, дедим. Биласан ўзинг унинг аҳвалини... Бундан ташқари, бовурларим, яшлигидан Тўранинг гапини эчки қилмай ўстирган эдим. Шу ишим чакки бўган экан. Эсингда бўлсин, боланинг кўпам раъйига қарама. У шунга, шундай муомалага ўрганиб қолади. Кейин гирт аҳмоқона истаклариниям амалга оширади экан сени мажбурлаб... У-ку, ёш, ақли калта, турмушни билмайдиган бачча! Сен — ёшинг бир жойга бориб қолган одамсан. Эсли-хушли, замоннинг зайлини ҳам, турмуш нималигиниям биладиган оқсоқолсан! Энди, келиб-келиб, шу гўдакнинг айтганини қилиб ўтирсанг, уят эмасми, ота, де! Дегин, болам. Ҳаққинг бор.

— Бўлди, отаси, бўлди қилинг, — деди онам йиғламсираб, Барно эса хўнграб юборди.

Менинг ҳам кўнглим бузилди: бундай катта-йирик, унча-мунча гап-сўз, ҳатто калтак ҳам (отам ёшлигида курашчи полвон бўлган) таъсир қилмайдиган одамнинг ух тортиб, овозининг қалтираб кетаётгани кўнгилда зилзила кўзгар экан...

— Эса, гап тамом, — деди отам ва бирдан менинг елкамни... бир ҳовучида чангаллаб, ўзига қаратди. — Ростини айтқин, улим. Келин бўлгичнингам кўнгли борми сенда?

Мен лабларимни қимтиб жимиб

ақлини пешлаб олиб сўради: — Келин бўғичнинг уруғларини сал-пал суриштирсанг жоман бўлмайди, — деди. — Менинг пикримча, жон болам, унинг мавқеи сендан баланд ҳам бўлмаса, паст ҳам бўлмаса — тузук. Ҳаятда ҳар хил гаплар бўлади. Бандачилик.

— Ҳа, Шукуржон суриштиради, албатта, — деди отам қатори ўрнидан турган онам. — Бунинг Тошкандо домулласи, устози бор. Радиодан эшитдингиз-ку?

— Э-ҳа, Маматакубиди... Аъзамовдан сўрасам, хоразмлик, деб эшитганман, деди.

— Шундай-шундай, — дедим ҳамон ўтирмасдан.

— Ҳа-а. Эса, шў одамнияма маслаҳатини ол, болам. Олим одамлар билгич бўлади.

— Хўп, ота...

ЭРКА ЭКАНМАН, ЧОФИ

Бир маҳал шифтга осилган катта лампочка ловуллаб ёниб турар, шу нурдан хонанинг ёруғлиги кун кечайганини таъкидлар эди; мен сингилларимнинг ўрнида ёнбошлаб ётардим: кўзим дераза томонда — гоҳ очилади, гоҳ ўмилиб кетади; бир-икки марта мизгиб ҳам олдим. Онам бош томонимда муштдекки-на бўлиб ўтирибди, онда-сонда бошимни, чаккаларимни босиб қўяди ва калламнинг сочи тўкилган жойидан ўпиб ҳам олади-да, бир нималар деб кулади. Сингилларим оёқ тарафимда қийшайиб ўтиришибди; бири қўйиб бири оёқларимни уқалайди. Мен инжиқланиб-эркаланиб оёғимни тортаман, Барно бўлса керак — болдиримга уриб қўяди.

— Тек жотинг. Шунча жўлди босиб келсиз. Чарчагансиз... Овдан келсангизам “оёғимди босиб қўй”, дер эдингиз... Раъно, жонинг борма? Бу фақат сийпалашни билади.

давом этди: — “Хозир келадилар”, дедим. Чиппа-чин ишонди... — Мен беихтиёр момом ҳақида қандайдир ҳикоя ёзишим мумкинлигини ҳис этдим-у, Тўра акам билан Ўғлоннинг қисмати яна ёдимга тушиб кетиб, бу, яъни ёзилажак асар сюжети ҳақида кам ўйлаётгандек туйдим ўзимни: холбуки, бу гал Бойсунга келишдан мурувдим — ана ўшаларнинг қисмати — ҳаётига боғлиқ бир нималарни ўрганиш-пишитиш ҳам эди. Қарангки, шу оннинг ўзида ушбу қиссанинг фаол қаҳрамонларидан бири — айни ўзим эканимни идрок этдим-у, демак... демак, воқеаларга ўз кўзим билан қарашимни-да туйдим. Ҳа, ҳатто улар кечмишини Учинчи шахс — ўзим тилимдан баён этишим мумкинлигини-да ҳис этароқ, дарҳол бу ўйдан қайтдим: “Қамровни кенгроқ олиш учун холис “ёзувчи кўзи билан” тасвирлаганим маъқул... Ана, Шолохов ҳам воқеаларга асосан Григорий кўзи билан қараб тасвирлайди, дея ўйлай бошладим. Айниқса, биринчи ва охириги жилдларда. Ўзи эса холис туради: ўзини четга олиб, Григорийни ҳам кузатувчи сифатида тасвирлайди. Тўғри, баъзан, айниқса, табиат тасвирларида воқеаларга муносабатини яширолмай қолади...”

— Шукуржон.

— Ҳа.

— Бир нималар дедингизма?

— А, йў-ўқ, Бўлди қилинглар... Раҳмат. Айланай сингилларимдан. Эна, шулар менга жуда меҳрибон-а?

— О, аста айтасанма, балам, — деди онам орқага тортилиб ва ўрнидан кўзгалди. — Қиз халқи меҳрибон бўлади оғасига... Жот, жотабер!

— Э, бўлди. Кайфим ҳам тарқаб кетди... Ис-матнинг кетганига бир соат бўлдимми?

— Кўп бўлди-ёв.

(Давоми бор.)

ЕВРОПА СУВ ТОШҚИНЛАРИДАН АЗИЯТ ЧЕКМОҚДА

Кучли шамол ва тўхтовсиз ёмғир Франция ва Британия давлатларини саросимага солиб қўйди. Охирги маълумотларга қараганда, ушбу икки давлатда 9 киши сув остида қолиб кетган. Кўплаб хонадонларга ва бошқа маъмурий би-



ноларга жиддий зарар етган. Франциянинг пойтахти Парижда фавқулодда вазият эълон қилиниб, шаҳардаги истироҳат боғлари ва чўмилиш ҳавзалари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган. Об-ҳавони


кузатиш бошқармаси тарқатган маълумотларга кўра, шамол тезлиги соатига 100 км тезликкача етиши мумкин.

Марказий Шотландияда шаррос ёмғир оқибатида тоғ кўчкилари кузатилган. Ана шундай кўчки 39 автоловни босиб қолган. Қўтқарувчиларнинг айтишича, воқеа жойида 50 дан ортиқ киши ўз машиналаридан чиқолмай қолган. Бу мудҳиш воқеа Эдинбург шаҳридан 100 км. узоқликда бўлган ҳудудда вужудга келган. Швейцарияда эса қаттиқ шамол аралаш дўл натижасида кўплаб хонадонларнинг томи зарарланган. Электр симёғочлари қулаб, дарактлар илдири билан қўпорилган.

Бундай вазият ҳозирча Италия, Испания ва Грецияни четлаб ўтмоқда, деб хабар беради AFP ахборот агентлиги.

ЭРОН ЯНГИ РАКЕТАЛАРНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИ

Эрон Ислон Республикаси мудофаа вазири Али Шамхоний мамлакатда янги русумли "Шихоб-3" ўрта узоқликка учадиган баллистик ракеталар ҳарбий навбатчиликка қўйилгани ҳақида хабар берди. Эндиликда Эрон ҳарбий кучлари ҳар қандай хуружларга тўлалигича жавоб қайтариши мумкинлигини билдириб ўтди. Янги ракеталарнинг имкониятлари бемалол Яқин Шарқдаги объектларни аниқ ўққа тутишга етади.



1981 йилда Исроил ҳаво кучлари Эронда жойлашган "Озирақ" ядро марказини ўққа тутган эди. Шундан бери Эрон ўз ядро объектларини муҳофаза қилишга қилишган. Айниқса, Эрон ҳукумати "Бушер" атом электростанциясини эҳтиёт қилишга ҳаракат қилмоқда.

НЕФТНИНГ НАРХИ ОШИБ БОРМОҚДА

Нью Йорк биржаларида нефть нархи рекорд даражасига кўтарилди. Ҳозирда нефтнинг 1 баррели 47,5 долларни ташкил этмоқда. Ироқнинг



Нажаф шаҳрида бўлаётган тўқнашувлар сабабли Ироқда нефть экспорти яна қийинчиликларга учраган. Бундан ташқари, Россиянинг ЮКОС компанияси билан боғлиқ ноаниқ вазият ва Венесуэладаги сиёсий воқеалар ҳам

нефть нархи ошишига сабаб бўлмоқда. Шу кунларда "қора олтин" нархи ўтган йилнинг шу даврига қараганда 50 фоиз юқори.

ИРОҚДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Ироқ бош вазири Ийод Алавий Нажаф шаҳридаги шиа жангариларини қуролсизланишга ва улар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлган имом Али мақбарасини тарк этишга даъват этди.

Бағдодда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Алавий шиалар уламиси Муқтадо ас-Садрни ҳукумат талабларини қабул қилишга ва Нажафдаги тўқнашувларни тўхтатишга чақирди. Алавийнинг айтишича, агар ас-Садр қўйилган талабларни бажариш истagini билдирса, у ва унинг тарафдорлари ҳукумат ҳимоясига ўтади.

Интернет манбалари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ ва Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрладилар.

ТЎЛАШБОЙНИНГ ГАЛАБАСИ

АФИНА (ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). XXVIII Олимпиада ўйинларида боксчиларимиз кўрсатаётган натижалар кўпчилики лол қолдирмоқда. Афинада ҳали Ўзбекистон боксчиларининг бирортаси ҳам мағлубиятга учрамади. Республикамиз «чарм кўлқоп усталари» юз фоизлик натижа кўрсатаётган кам сонли жамоалардан. Ўткирбек Ҳайдаров, Шерзод Абдурахмонов, Шерзод Хусанов ҳамда Беҳзод Хидиров дастлабки жангларда муваффақият қозонган эди. Энди уларнинг қаторига Тўлашбой Дониёров ҳам қўшилди.

Ҳамюртимиз филиппинлик Осиё чемпиони Виолетта Пайлога қарши рингга чикди. Очкolar ҳисобида катта фарқ билан олдинга чиқиб олган Тўлашбой иккинчи раундда рақибини nokдаунга учратди.

— Пайло билан ўзига яраша ҳисоб-китобим бор эди, — деди жангдан сўнг Т.Дониёров ЎЗА муҳбирига. — Илгари унга икки жанг-

да — Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатида ютказиб қўйгандим. Бу сафар мураббийим Лочин Кўчқоровнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилганим панд бермади — асосий рақибларимдан бирини мусобақадан чиқариб юбордим. Энди навбатдаги жангни 21 август кuni америкалик Рон Сайлерга қарши ўтказаман.

Afina-2004

Дзюдочимиз Вячеслав Перетейко, академик эшкак эшувчилар Владимир Черненко ва Елена Усарова дастлабки беллашувларда имкониятни бой бериб, совринли ўринлар учун курашаётган спортчилар сафини тарк этди.

ЎТКИРБЕК - КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

АФИНА. (ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ). Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони совриндори Ўткирбек Ҳайдаров иккинчи босқич учрашувларини бошлаб берди. Биринчи баҳсда нигериялик Исаак Ак-

рони 21-11 ҳисобида енгган ҳамюртимизнинг иккинчи жангда ҳам кўли баланд келди. Жазоирлик Абдулганий Кенжа устидан галаба қозонди.

Боксчиларимиздан Гўрор Алборов ҳамда Сидней Олимпиадаси совриндори Рустам Саидов биринчи учрашувда рақибларига имкониятни бой берди.

Академик эшкак эшувчилар ва сузувчиларимиз учун Олимпиада ўйинлари якунланди — улар кейинги босқичга чиқолмади.

ОЗОД ИСТАМБУЛГА БОРАДИ

НУКУС /ЎЗА мухбири А.ОРТИФ-БОЕВ/. Шу йилнинг 4-8 август кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтган эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида Нукус шаҳридаги 3-болалар спорт мактаби тарбияланувчиси Озод Эшотаев 85 килограмгача бўлган вазн тоифасида голибликни кўлга киритди. У энди Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтажак Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЭВЕРЕСТГА ТАЪСИРИ

Пекинда АҚШ, Япония ва Хитойнинг Ҳимолай музликларини ўрганувчи қўшма экспедицияси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Хитой Фанлар академияси қошидаги Цинхай-Тибет тоғларини ўрганиш институти директори Яо Тяньдук сўзга чиқиб, дунёнинг энг баланд тоғ чўққиси Жомолунгма (Эверест) 8849,75 метрдан 8848,45 метрга қисқарганини маълум қилди.

Халқаро илмий экспедиция 40 кун давомида Ҳимолайнинг шимолий музликлари ва унинг этаклари ҳолатини ўрганади. Хитой олими бундай илмий экспедиция тарихда биринчи бор ўтказилаётганини айтиб ўтди. Шунингдек, у чўққи емирилишининг асосий сабабчиси иқлимнинг глобал исиб кетиши эканини таъкидлади. Мазкур жараён муз чўққиларининг эришини тезлаштирмоқда.

Хитой Фанлар академияси ходимларининг илмий излашлари натижасида, 1966 йилдан бери Жомолунгма чўққиси тинимсиз емирилиб бораётгани аниқланди. 1999 йилдан бери унинг бўйи 8849,75 метрдан 8848,45 метрга тушиб қолган, 1966-1975 йиллар давомида тоғ йилига 0,1 метрга чўккан бўлса, 1975-1992 йилларда бу кўрсаткич атиги 0,01 метрни ташкил қилган. 1992 йилдан унинг чўкиш суръати яна орта бошлади. Масалан, 1998-1999 йилларда Жомолунгма ўртача 0,13 метрга пасайган, Яо Тяньдук Ернинг энг баланд чўққисининг чўкиши сайёра ҳароратининг тез кўтарилиб кетиши билан бевоқифа боғлиқлиги ва агар шу ҳолат давом этадиган бўлса, бу кўрсаткич анча ошиши мумкинлигини маълум қилди.

Абдуҳаким СОЙИБЖОНОВ, "Жаҳон" АА

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИнинг 2004 йилнинг сентябрь ойи учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси

№	Курс тингловчилари тоифалари	Муддати
1	ПҚТМОИлар табиий фанлар ўқитувчилари (химия, биология)	6-18
2	Туман (шаҳар) ХТБ мудир муовинлари	6-18
3	ПҚТМОИлар ўқитувчилар, таълим (методик марказлари) мутахассислари учун "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари" фанини ПҚТМОИларда ўқитиш бўйича махсус курс (Хоразм ВПҚТМОИда)	20-25
4	"Меҳнат таълими" фани ўқитувчилари малакасини ошириш курслари учун маърузачилар тайёрлаш курси	13-18
5	Туман(шаҳар) ХТБ юқори синф (6-7) методистлари учун ИПТ ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси	6-18
6	Туман(шаҳар) ХТБ юқори синф (6-7) методистлари учун ИПТ ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси	13-25
7	Ташхис маркази психологлари махсус курси	13-25
8	Туман (шаҳар) ХТБ ЧЕТ бўйича методистлари	13-25
Умумий ўрта таълим мактаб директорлари мутахассислик фанлари бўйича		
9	Ўзбек тили ва адабиёт	6-25
10	Тарих – география	6-25
11	Рус ва хорижий тиллар	6-25
12	Ёш директорлар	6-25
13	Математика – информатика	6-25
14	Бошланғич таълим	6-25
Махсус таълим муассасалари ходимлари		
15	Махсус мактаб-интернат директор ўринбосарлари	6-18
16	Кар, заиф эшитувчи болалар мактаби тарбиячилари	6-18
Мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари		
17	Туман (шаҳар) мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари, вилоят ХТБнинг йўл ҳаракати методист назоратчилари	6-18
18	2004 йил сентябрь ойи учун тасдиқланган режадан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил августдаги буйруғи асосида физика, кимё, биологиядан ажратилаётган ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича ўқитувчиларни каскад тизимида қайта тайёрлашнинг биринчи босқичи бўйича маърузачиларни қайта тайёрлаш курслари. (Ҳар бир ПҚТМОИлардан биттадан мутахассис, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан биттадан илғор тажрибали мактаб ўқитувчиси, яъни ҳар бир фан бўйича 28 тадан тингловчилар).	13-18

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва кироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари, республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулот олиб борадилар. Санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони, Шахидлар хотираси ёдгорлик мажмуи, музей ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилганлиги ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касабана уюшма қўмитаси томонидан берилган, пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.

4. Хоҳловчилар профилакторийнинг ўзида нақд пулга йўлланма сотиб олишлари мумкин.

5. Тингловчилар иш жойидан берилган сафар гувоҳномаси ҳамда иш жойининг тўлиқ номи, лавозими, қайси курсга, қачондан бошлаб, қанча вақтга юборилганлиги кўрсатилган буйруқ нусхаси, паспорт, маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси билан келиши шарт.

Манзил: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Транспортлар: Жанубий вокзалдан 131-автобуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача ҳамда Шимолий вокзалдан "Беруний" метро бекатигача.

КўЧА ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

Ўқув юртларида соҳага оид фанлардан ташқари экология фани ҳам ўтилади. Ушбу фан ўқитилишидан мақсад табиатни қандай бўлса шундайлигича асраш, ундан оқилона фойдаланиш кераклигини ўқитишдан иборат.

Эсимда, бир куни экология дарсида "Кўчадаги чиқиндилар, ариқлардаги кераксиз буюмларнинг тўпланиб ётганини камайтириш учун қандай чора-тадбирлар қўллаган бўлардингиз?" деган савол ўртага ташланди.

Кимдир ҳар қадамда чиқинди идишларини ўрнатиш керак деса, яна бири кўча супурувчиларнинг сонини ошириш лозим, дейди. Бир дугонам: "Кўпроқ ўша аёлларга ёрдам беришимиз ке-

Ta'kid

рак, ҳар биримиз чиқиндини ерга улоқтирмасдан махсус идишларга солсақ, уларга оз бўлса-да ёрдамимиз тегади, уларнинг ўрнига ўзимизни ёки онамизни кўйиб кўрайлик..." деди. Кейин яна бир фикр билдирилди: "Чиқиндиларнинг ичида нон ҳам, ҳар хил истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ҳам учратамиз, ахир бу увол-ку! Шунинг учун уларга алоҳида-алоҳида идиш ўрнатилиши керак". "Ҳозир оддий чиқиндини вақти келса идишга солмаймиз-у, ажратиш қаёқда дейсиз", деди яна бир ўртоғимиз.

Кўпгина курсдошларим ўзларининг жўяли таклиф ва фикрларини билдиришди. Асосийси эса, уни амалда қўллаш. Зеро, ҳар бир инсон кўчани ҳам ўзимизники деб билса, уни ифлос қилишга ботинолмаса керак...

Шаҳноза ПИРМАТОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Ўқув муассасалари ходимлари ва кутубхоначилар ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. О.Каримова "Конституция алифбоси" 2-3-4-синф
2. В.Костецкий "Конституция оламига саёҳат" 5-6-7-синф
3. "Жаҳон тарихи" 7-синф
4. "Чизмачилик" 8-синф
5. "Ўзбекистон тарихи" 8-синф
6. "Чизмачилик" 9-синф
7. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф
8. "Умумий биология" 10-синф
9. "Ҳуқуқшунослик" 10-синф учун
10. Г.Хидоятлов "Жаҳон тарихи" 10-синф
11. Каримов "Ўзбекистон тарихи" 10-синф
12. "Жаҳон тарихи" 11-синф
13. "Ўзбекистон тарихи" 11-синф
14. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11-синф
15. "Умумий биология" (кирилл) 10-11-синф



Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-3-4-класс
2. "Русский язык" 4-класс
3. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс
4. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-6-7-класс
5. "Литература" 6-класс
6. "Всемирная история" 7-класс
7. "Русский язык" 7-8-класс
8. "История Узбекистана" 8-класс
9. "Основы конституционного права" 9-класс
10. "Общая биология" 10-11 класс
11. "Русский язык" 10-11-класс
12. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс
13. Г.Хидоятлов "Всемирная история" 10-класс
14. "История Узбекистана" 10-класс
15. "Всемирная история" 11-класс
16. "История Узбекистана" 11-класс

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Харидорларга дарсликлар учун чегирма (скидка) берилди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26. "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел.: 133-58-72, 133-35-90


Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел.: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси) тел.: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси-71, тел.: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет булвари-15, тел.: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Ахси кўчаси — (Сардоба бозори ёнида), тел.: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона — "Ичан-Қалъа", тел.: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси-14, тел.: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-митти туман, 9-уй, тел.: 227-66-44.
Фарғона шаҳри, Бувайда тумани, Янгиқўрғон кишлоғи, Навоий кўчаси-1, тел.: 92-942.
Тошкент вилояти Зангиота туманида "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг!
Нархлар сизни қаноатлантиради!



«ОРОМ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ



Ф.ОРИПОВ тузди.

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофида. 1. Уруғи таомга лаззат берувчи гиёҳ. 2. Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб» романи қаҳрамони. 3. Улуғ, катта. 4. Масофа ўлчови. 5. Америка адаби. 6. Сув транспорти воситаси. 7. Яман пойтахти. 8. Ўқув машғулоти. 9. Африка шимолидаги мамлакат. 10. Отанинг опаси ёки синглиси, жиянларига нисбатан. 11. Қозоқ шоири. 12. Оила қувончи. 13. Денгизчиликда қўлланиладиган узунлик ўлчови. 14. Сайёра. 15. Чанқовбости ичимлик. 16. Футбол ўйини қисми. 17. Рассомлик бўёғи. 18. Пуфлама мусиқа асбоби. 19. Жавоҳир. 20. Оптик асбоб. 21. Дуррадгорлик асбоби. 22. Юк кўтариш техникаси. 23. Эркин Воҳидов достони. 24. Шифо воситаси. 25. Ҳузур. 26. Асар номидан «... бир кеча». 27. Савдо тури. 28. Алишер Навоий достонидаги Махжуннинг асл исми. 29. Бинокорликда ишлатиладиган ашё. 30. Ўтмишда низоларни ҳал этган лавозимли шахс. 31. Спорт майдони. 32. Мўғулистондаги чўл худуди. 33. Табиий ҳодиса, зилзила, шамол кабиларнинг кучини ўлчаш бирлиги. 34. Ошиқ томон.

МУАММОНОМА

Юқоридаги таърифлари берилган сўзлар жавобини тўғри топиб шаклга ёзган бўлсангиз, бош ҳарфни топиб чизиклар йўналиши бўйича ички айланалардаги ҳарфларни ўқинг. Улардан Шарқ халқ ҳикматларидан билиб оласиз.

Xullas...

ТЕКИН БАНАНЛАР

Санкт-Петербурдан 20 тонна бананни Алматига ортиб чиққан юк машинаси йўл-транспорт ҳодисасига учради. Юк машинаси ҳарчанд эҳтиёткорлик билан юрмасин, товар ортилган поездга тегиб кетди. Машина ҳайдовчиси тор-мозни босишга улгуролмади. Оқибатда машина прицепидаги катта-кичик бананлар ҳар томонга сочилиб, ҳаттоки уларни йиғишга ҳам шофёрнинг ақли шошди. Чунки бир томонда тепловоз ҳам платформадан чиқиб кетиб, йўловчилар бесаранжом бўла бошлаган эдилар.

Томоша қилсангиз, ажойиб манзара. Тасмадек чўзилиб кетган поезд йўли, ҳар томонда бананлар ва бу тропик мева билан сумкасини тўлдирётган йўловчилар... Ҳар тугул, қурбонлар йўқ, шунисига шукр. Бананнинг эгаси эса, шу тобда кўрган зарари ҳақида эмас, балки фалокат тафсилоти ҳақида тегишли органларга қандай қилиб ахборот беришни ўйларди.

ЗАВҚ-ШАВҚ МАНБАИ

Коми илмий маркази олимлари Лемва дарёси қирғоқларида, аниқроғи, кичкинагина Епи кишлоқчасида фил тишларининг қолдиқларига дуч келишди. Узунлиги икки метр, диаметри 16 см, оғирлиги эса 50 кило келадиган археологик топилма минг йиллар муқаддам яшаган филга тегишли бўлиши мумкин. Гарчанд қолдиқ яхши сақланмаган бўлса ҳам олимлар учун бу жуда катта янгиликдир.

Топилма институтга қўйиладиган бўлди. Бу ерда қадимги филларнинг бошқа фрагментлари ҳам бор, масалан, хартум, бош суяги. Археологик топилмаларнинг кўпайиши бошқалар учун қизиқарли бўлмаса ҳам, бунга бутун умрини бахшида этган олимлар учун завқ-шавқ манбаидир.

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:

Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-929.

Тиражи 21117. 1 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табак.

Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Нурлан УСМОНОВ.
Навбатчи:
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

© белгиси остида реклама материаллари берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.